**Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!**

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА adolat_sdp@doda.uz ● www. adolat.uz ● №18 (823) ● 2011 йил, 22 апрель, жума

БУГУНГИ ТАЛАБ

иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор

3-бет

ТЕРМИЗ — БУГУНИДАН ЭРТАСИ ГЎЗАЛ БОҚИЙ КЕНТ

100 гектар ерни ишғол қилган "Олимпиа захиралари" коллежи биноси атрофи ҳақиқий спорт галереясига айлантирилди. Ўқув биноси қайта таъмирланиб, қўшимча бинолар ҳамда 200 ўқувчига мўлжалланган кўп қаватли ётоқхона бунёд этилди. Спорт йўлакчалари жаҳон андозалари даражасига келтирилди.

Айни кунларда бу ерда 10 000 томошабинга мўлжалланган муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилиши арафасида.

5-бет

«МЕН ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП АЪЗОСИМАН»

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастури билан танишиб чиққанимда биз каби спортсевар инсонлар ҳаётига бу дастур тўлиқ мос келишини англадим ва бир қатор шогирдларим билан "Адолат" СДПга аъзо бўлдик. Келгусидаги сиёсий фаоллигимизни мазкур партия орқали намоён этмоқчимиз.

8-бет

# Мақсадга эришишдаги ишончли йўл

**Илмий-амалий семинар**

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
«Adolat» мухбири.





Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида "Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг вазифалари" мавзусида илмий-амалий семинар ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ўзбекистон Миллий университети, Стратегик ва Минтақалараро тадқиқотлар институти, Тошкент давлат юридик институти, партиянинг сиёсий кенгаши вакиллари ҳамда экспертлари иштирок этишди.

Дастлаб, семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев мавзу юзасидан сўзга чиқди.

— Шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, бугун халқаро ҳамжамият мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотларга ишонч билан қараб, ютуқларимизни эътироф этмоқда, — деди Қ.Жўраев. — Дунё аҳли мамлакатимизнинг қонун устуворлиги ва фаол фуқаролик жамиятига таянадиган, ривожланган демократик мамлакатлар қаторига қўшилиш борасидаги ҳар томонлама ўйланган дастур ва режаларига юксак баҳо бермоқда. Бу, албатта, ҳар биримизда чексиз ғурур ва ифтихор уйғотади.

Маърузаларда ҳокимият тармоқлари ўз ваколатларини амалга ошириш баробарида, айни чоғда бири бошқасининг фаолиятини назорат қилиб туриши ва бундай назорат "бир-бирини тийиб, мувозанатда ушлаб туриш" механизми орқали амалга оширилиши, натижада ҳар бир ҳокимият тармоғининг ўз ваколат доирасида фаолият олиб бориши ва муҳими, ҳокимият ваколатлари суиистеъмол қилинишининг олди олиниши борасида, шунингдек, бугунги кунда жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий асослари мунтазам равишда ривожланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг асослари тобора мустаҳкамланаётганлиги, фуқаролик жамияти институтлари, айниқса, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида, жумладан, парламент ҳаётида тутган ўрни ҳамда роли ошаётганлигини таъкидлади.

— Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонун матбуотда эълон қилинди, — деди фракция аъзоси Собир Турсунов. — Мазкур қонун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда амалга ошириб келинган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлиб, у давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашга хизмат қилади. Шу билан бирга, ушбу ҳужжат Бош вазирни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этишнинг, парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги демократик тартибини белгилаши билан бирга, жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланишини таъминлашга ҳамда юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланишига ҳам кенг шароит яратади.

Булар ўз навбатида, бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялардан ана шу принципларни ҳаётга татбиқ этиш ишларига тайёр бўлишларини, сиёсий етукликка интилишларини талаб этади. Ўзбекистон "Адолат" СДП Концепцияда белгилаб берилган нормаларни амалга ошириш юзасидан ўзининг жорий йил ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини, режаларини ишлаб чиқди ҳамда шу асосда фаолиятни давом эттирмоқда. Мақсад бу йўналишда келажакда юксак натижаларга эришишдан иборат.

Ушбу демократик янгиланишлар сиёсий партиялар ва уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари олдига, шу жумладан, бизнинг партиямиз зиммасига қатор масъулиятли вазифаларни юклайди. Аввало, партиямиз ўз электорати билан ишлашнинг илғор технологияларини ўзлаштириши ва шу орқали ўз сафларини имкон қадар кенгайтириб боришга интилиши шарт. Иккинчидан, партия кейинги сайловларда ғолиб чиқиш, кўпроқ депутатлик ўринларини олишга курашиши лозим.

Учинчидан, партия ўзининг фаоллигини ошириши, фуқаролар ва сайловчилар билан мулоқотларини янада жонлантириши билан аҳолининг сиёсий маданиятини юксалтиришни таъминлаш орқали жамиятдаги, қолаверса, жойлардаги обрўсини ошириши лозим.

Бу борада ҳозир депутатлар ва партиямиз маҳаллий ташкилотлари ҳамкорлигида турли тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Улар партиямиз Сиёсий Кенгаши талаб қилаётганидек, шунчаки тарғибот ва ташвиқот бўлиб қолмаслиги, балки электоратимиз дуч келаётган муаммоларни ўрганиш ва қонунлар ижросига эътибор қаратиш сабоқлари вазифасини ҳам ўтамоқда. Бу билан биз, таъбир жоиз бўлса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз депутатларининг маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан узвий алоқасини тизимли давом эттиришга эришаяпмиз.

Шунингдек, тадбирда Тошкент вилояти партия депутатлик гуруҳи раҳбари Зарифа Эралиева сўзга чиқиб, шундай деди:

— Демократиянинг муҳим мезони ҳисобланган кўппартиявийлик мамлакатимизда айни шаклланиш жараёни йўлида кетмоқда. Шу сабаб бизда ютуқлар ҳам, интилиш ҳам, рақобат ҳам, камчилик ҳам мавжудки, ушбу семинарда партиялараро соғлом рақобатни кучайтириш, сайловчилар ишончини қозониш, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда сиёсий партияларнинг, шу жумладан, депутатлик гуруҳларининг фаол иштироки борасида билдирилган эътиборга молик таклифларни жойлардаги барча депутатларимизга етказишимиз шарт.

Давоми 3-бетда »

# Хусусий мулк ҳимояси

## ва мулкдор ҳуқуқи кафолати — замон талаби

**Концепция: устувор вазифалар**

**Анвар СУЛАЙМОНОВ,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси.

Мамлакатимизда инқирозга қарши чоралар, модернизация, маҳаллийлаштириш, инвестиция дастурлари доирасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Бундай саъй-ҳаракатлар туфайли иқтисодиётимиз изчил, барқарор юксалмоқда. Айниқса, ҳамма соҳада бўлгани каби аграр соҳада ҳам ислоҳотлар чуқурлашиб, фермерлик ҳаракати кўлами кенгайди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка қулай муҳит, эркин шароит, кенг қамровли имкон ҳамда муносиб рағбат тизими яратилди. Уларнинг барча режалари ва дастурлари Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги юксалишига йўналтирилди.

Масалан, сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробарга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,2, истеъмол товарлари 3,2, инвестициялар деярли 3, пуллик хизматлар 3,6, экспорт 3,6 баробарга ортди. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли кўплаб давлатларда иқтисодий таназзул кузатилаётган бундай кезда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатлари сақланиб келинаётгани, яъни — 2008 йилда 9, 2009 йилда 8,1, 2010 йилда 8,5 фоизни ташкил этгани фикримизнинг яна бир бор тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилиб, кейинчалик бутун дунёда "ўзбек модели" номи билан танилган тараққиёт моделини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириб келаётган ўзбек халқи ҳозирги глобаллашув даврида бундай натижалар билан қаноатланиб қолмайди, албатта.

Давоми 3-бетда »

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид долзарб вазифаларга бағишланган ўқув-семинарларини ташкил этиш анъанага айланган. Хусусан, ўтган йилги семинарлар "Ўзбекистон "Адолат" СДП: жадал ислоҳотлар босқичида" деб номланган бўлса, навбатдагиси "Ўзбекистон "Адолат" СДП: демократик ислоҳотларнинг янги босқичида" деб номланди.

# Ўзбекистон "Адолат" СДП: демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

**Партия ҳаёти**

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
"Adolat" мухбири.

Ўқув-семинарларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари, Сиёсий Кенгаш Марказий аппарати ходимлари, партиянинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, фаоллар, "Аёллар" ҳамда "Ёш адолатчилар" қанотлари фаоллари, ФЖЎИ вилоят ахборот-таҳлил маркази, ОАВ вакиллари иштирок этишлари мўлжалланган.

Хўш, навбатдаги мазкур тадбирларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад нимада?

Аввало, ўқув-семинарларнинг бош мақсадига тўхталсак. Бугунги кунда Ўзбекистон "Адолат" СДП мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар қаторида сиёсий майдонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ана шундай шароитда мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг туб моҳияти ва демократик жамият шаклланишида сиёсий муносабатлар субъекти сифатида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўрни ва ролини аниқ белгилаб бориш талаб этилади.

Давоми 2-бетда »



# «Учинчи сектор»ни ривожлантириш

## мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим шарти

**Фуқаролик жамияти**

**Илёс САХАТОВ,**
«Adolat» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ташкил этилган брифингда мазкур йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан журналистларга ахборот берилди.

Қайд этилганидек, йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги устувор вазифалардан келиб чиқувчи Парламент комиссиясининг 2011 йил ва келгуси йиллардаги фаолияти Дастури кўриб чиқилди.

Парламент комиссияси раиси Акмал Саидовнинг таъкидлаганидек, ўтган 20 йиллик истиқлол даврида мамлакатимизда ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига оид қонунчилик тизими шаклланди. Бу даврда соҳага оид 200 дан ортиқ қонун ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда ушбу тизимнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Натижада ўтган давр мобайнида ННТлар сони муттасил ўсиб келмоқда.

Давоми 4-бетда »

# Ўзбекистон “Адолат” СДП:
# демократик ислоҳотларнинг янги босқичи

« Давоми. Боши 1-бетда

Ўз навбатида фаолиятни мунтазам танқидий таҳлил қилиб бориш, юқори натижаларга эришишга халақит берадиган тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш партия олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Шунингдек, партия фаолларини мамлакатимиз давлат Мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олишга сафарбар қилиш ҳамда демократик ислоҳотларнинг янги босқичи талабларига мос ҳолда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва ролини янада юқори даражага кўтаришдан иборат.

Бундан ташқари, ўқув-семинарлар давомида иштирокчилар истиқлол йилларида замонавий ва демократик жамиятнинг ривожланиши ва шаклланиш босқичлари, айниқса, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ривожланишининг янги босқичи ҳақида тўлиқ ахборотларга эга бўладилар. Партия фаолларига давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти, авваламбор, сиёсий партияларнинг роли очиб берилади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, партия фаоллари меъёрий-йўриқнома ҳужжатларининг электрон нусхаси, тегишли адабиёт ва кўргазмали тарғибот материаллари билан таъминланади.

Қолаверса, шу кунларда халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ санасини кенг миқёсда нишонлаш учун катта ҳозирлик кўрмоқда. Барчамиз учун ҳақиқатан ҳам энг улуғ, энг азиз бўлган бу байрам арафасида ўтган давр мобайнида, айниқса, фаол демократик ислоҳотлар даврида босиб ўтган йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимизнинг иккинчи босқичида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни холисона баҳолаб, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказишимиз зарур. Пировард мақсад эса, келгусида амалга оширишимиз шарт бўлган вазифаларни “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” нуқтаи назаридан белгилаб олиш ҳамда бу жараёнда Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясининг ўрни ва роли ҳақида ўзаро фикр алмашишдан иборатдир. Зотан, айни вақтда Ўзбекистон “Адолат” СДП Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ушбу Концепциясида билдирган таклифларни амалга ошириш бўйича аниқ Ҳаракат дастурига эга. Бу масалалар эса партия Сиёсий Кенгашининг III ва IV Пленумларида муҳокама қилинган.

**“Ўзбекистон “Адолат” СДП: демократик ислоҳотларнинг янги босқичида”** мавзуидаги мазкур ўқув-семинарнинг дастлабкиси партиянинг Бухоро ҳамда Наманган вилояти Кенгашларида бўлиб ўтди.

***

Бугунги кунда Бухоро вилоятида партиянинг 3500 нафарга яқин аъзолари бор. Улар 172 та бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Фаоллар таркибида соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорлик ва бошқа ижтимоий соҳа вакиллари, талабалар мавжуд. Вилоятда партия хайрихоҳлари ҳам етарлича. Демак, уларнинг сиёсий билимларини юксалтириб бориш ва ўз сафларини сифат жиҳатдан янада кенгайтириш вилоят партия Кенгашининг устувор вазифаларидан биридир. Бунинг учун партия фаолларидан етарли билим ва малака талаб этилади. Ўқув-семинар эса худди шу мақсадга хизмат қилиши билан ҳам жуда аҳамиятлидир.

Бухоро давлат университетида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси, Академик Саидахрор Ғуломов **фаол демократик янгиланишлар жараёнида мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тизимида амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти** хусусида 2010 йил мисолида маъруза қилди.

Таъкидланганидек, тараққиётнинг янги босқичидаги вазифаларни белгилаб берган Концепцияни таҳлил қилсак, мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини чуқур ҳис этамиз. Унда ислоҳотлар жараёни холис баҳоланган. Энг асосийси, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг янги босқичида, яъни 2011 йил ва кейинги йилларда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларнинг белгилаб берилиши катта аҳамият касб этади.

Маърузачи ушбу мантиқий кетма-кетликдан келиб чиқиб, айнан фаол ислоҳотлар даври — 2001 йилдан 2010 йилгача бўлган иккинчи босқичда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқлар, қабул қилинган ҳуқуқий механизмлар тўғрисида батафсил тўхталди. Шу билан бирга, янги босқич, 2011 йил ва келгуси йиллардаги изчил ислоҳотларнинг устувор йўналишлари ва уларнинг мамлакатимиз, халқимиз, жумладан, партия ҳаётида тутадиган ўрни, аҳамияти ва бу жараёнларда партия олдида турган устувор вазифалар тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирди.

Шунингдек, **“Мустақиллик йилларида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, натижалар ва устувор вазифалар”** мавзуида фракция аъзоси Зуҳра Ботированинг чиқиши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Маърузачи ўз сўзида соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, қонунчилик ташаббуслари, муаммо ва уларнинг ечимлари, галдаги вазифалар ҳақида қизиқарли маълумотлар берди.

— Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни рағбатлантириш тизимининг ҳар томонлама қайта кўриб чиқилиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни сифат жиҳатидан сезиларли даражада яхшилаш имконини берди, — деди З.Ботирова. — Натижада кейинги йилларда соҳа ходимларининг иш ҳақи 2 баробардан зиёд кўпайди. Юртимизда янги ташкил этилган соғлиқни сақлаш тизимида энг юксак замонавий тиббиёт технологиялари ва техникаси билан таъминланган ихтисослашган клиникалар муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда юқори малакали мутахассислар жаҳон миқёсидаги мураккаб ва ноёб операцияларни амалга ошириб, одамлар ҳаётини сақлаб, уларнинг умрига умр қўшаётгани бу борадаги ислоҳотларимизнинг яна бир амалий ифодасидир. Соғлиқни сақлаш тизимида бўлажак оналар саломатлигини мунтазам назорат қилиб борадиган, соғлом болалар туғилишига хизмат қиладиган кенг тармоқли скрининг марказларининг ўрни ва аҳамияти қанчалик катта экани ҳаммамизга яхши маълум.

Эътироф этилганидек, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида, айниқса, қишлоқ жойларда жиддий ўзгаришлар рўй берди. Самарасиз ишлаётган фельдшерлик-акушерлик пунктлари ва қишлоқ амбулаториялари ўрнида замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган 4 мингга яқин қишлоқ врачлик пункти ташкил этилгани соҳада катта қадам бўлди. Республикамизда олиб борилган бу йўналишдаги ижобий ишлар натижасида мустақиллик йилларида болалар ўлими 3 баробар, оналар ўлими 2 баробар камайишига эришилди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга узайди.

Ўқув-семинарда **демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясидан келиб чиқилиб Конституциямизга киритилган айрим ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти хусусида** фракция аъзоси Қодир Жўраевнинг маърузаси ҳам тингланди.

— Бош Қонунимизнинг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганлигидан барчангизнинг хабарингиз бор, албатта, — деди Қ.Жўраев. — Хусусан, асосий Қонунимизнинг 98-моддасига киритилган қоидага асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан Президентга таклиф этилади. Бу нормага асосан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатишнинг янада демократик тартиби жорий этилмоқда. Ушбу моддада биринчи маротаба Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи ҳам жорий этилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бу янгилик ривожланган демократик давлатлар тажрибасига тўла мос келади. Конституциямизнинг тегишли моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг барчаси ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Демакки, тараққиётимиз дастури — Концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида Конституцияга киритилган ўзгартишлар — давлат ҳокимияти органлари ўртасида фаолият мутаносиблигининг таъминланиши ва ўзаро таъсир механизмларини, шубҳасиз, такомиллаштиришга катта туртки беради. Жумладан, ҳокимият тармоқлари мустақиллигини оширишга хизмат қилади ва ўзаро бир-бирини тийиб туриш механизмларини шакллантиради. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш, ижро этувчи ҳокимият девонини тузиш ва унга раҳбарлик қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколати доирасидан чиқарилиши ёки Бош вазирнинг Президентга вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларини қонун асосида тайинлаш, лавозимидан озод этиш учун тақдим қилиш ҳуқуқининг киритилиши — Бош вазирнинг ҳам ва унинг раҳбарлигидаги ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам масъулиятини оширади.

Шунингдек, **“Партия марказий органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш”** масаласи юзасидан партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Сирожиддин Раупов маъруза қилди:

— Юртбошимиз томонидан таклиф этилган ушбу Концепция сиёсий партияларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаолроқ иштирок этишга, ташаббускорлигини оширишга йўналтирилган бўлиб, бугун сиёсий партиялардан янги усул ва услубда ишлашни тақозо этмоқда. Ўзбекистон “Адолат” СДП электорат билан ишлашда, унинг эҳтиёж ва талабларини амалга оширишда иш услубини замонавийлаштириши ва мунтазам такомиллаштириб бориши зарур. Бунинг учун аввало, вилоят партия Кенгаши депутатлик гуруҳи билан ишлаш соҳасидаги тизимни такомиллаштириш, фуқароларнинг мурожаатларини ҳал этишда депутатлик гуруҳи ваколатларидан фойдаланиш, вилоят партия Кенгашининг туман ва шаҳар Кенгашлари ва маҳаллий жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ишлаш тизимини ривожлантириш, туман ва шаҳар партия Кенгашларидаги “Ёш адолатчилар” ва «Аёллар» қаноти фаолиятини фаоллаштириш каби долзарб вазифаларни жадаллик билан амалга ошириш шарт.



Таъкидланганидек, фуқароларнинг мурожаатлари асосида ишлашни ўрганиш, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни ташкиллаштиришда фаол ташаббус билан чиқиш, туман ва шаҳар даражасида обрўли, катта таъсир доирага эга бўлган фуқароларни партия фаолиятига жалб этиш сингари ишларга ҳам жиддий эътибор қаратиш керак.

Семинар иштирокчилари сўзга чиқиб, кўрилган барча масалалар юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

— Бу каби ўқув-семинарлари фаолиятимизни янада жадаллаштиради, — деди Қоракўл тумани партия кенгаши раиси Малика Жўрақулова. — Ўйлайманки, бугунги тадбир иштирокчилари энг керакли маълумотларга, айниқса, Концепция ҳақида чуқур билимга эга бўлишди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда замонавий демократик жамиятнинг ривожланиши, шаклланиш босқичлари, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг аҳамияти ҳақидаги кенг ахборотлар биринчидан, бизни янада масъулиятли бўлишга чорласа, иккинчидан иш самарадорлигимизни оширади.

***

Наманган вилоятидаги “Ёшлар маркази”да ушбу мавзудаги ўқув-семинар ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Дастлаб, семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Ойша Ахунова фаол ислоҳотлар даври бўлган иккинчи босқичда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқлар, қабул қилинган ҳуқуқий механизмлар тўғрисида батафсил гапирди.

— Мустақил тараққиётимиз иккинчи босқичининг муҳим дастурий вазифалари — сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишида барча жабҳаларни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдан иборат бўлди, — деди маърузачи. — Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, туб ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг қонуний натижаси сифатида биргина сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръати барқарор хусусият касб этганлигига эътибор қаратайлик. Кейинги йилларда йиллик ўсиш суръати 7-9 фоизни ташкил этмоқда. Бугунги кунда юртимизда замонавий меҳнат бозори шаклланди. Мустақиллик йилларида 7 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 70 фоиздан зиёди саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларига тўғри келади. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда биринчи навбатда хотин-қизларни иш билан таъминлаш имконини берадиган, йирик саноат корхоналари билан кооперация асосида ташкил этиладиган касаначилик жадал ривожлана бошлаганини таъкидлаш лозим. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган аҳолини иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга катта эътибор қаратилиб, бу борада аниқ мақсадга йўналтирилган ишларнинг изчил амалга оширилаётганлиги мавжуд аҳволни тубдан ўзгартириш учун имкон яратди. Сўнгги йилларда ишсизлик даражаси 5,3 фоизгача камайди.

Шунингдек, маърузачи ўз сўзида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши, ҳеч шубҳасиз, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида асосий ва ҳал этувчи роль ўйнаганлигига алоҳида урғу берди.

— Партиямиз фаолияти сезиларли даражада ошгани партиянинг барча тузилмаларидаги тармоқларини қамраб олувчи аниқ йўналтирилган ташкилий-партиявий ишларда, ички тартибнинг мустаҳкамланиши, партия кадрлари ва депутатлик корпуси масъулияти ошишида ўз аксини топди, — деди вилоят партия Кенгаши раиси Ҳамидхон Аҳмадхўжаев. — Аммо эришган ютуқларимизга қарамасдан фаолиятимизда айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, вилоят ва туман партия ташкилотларимизда ўтказилаётган тадбирларни сифат жиҳатидан талаб даражасида, деб бўлмайди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг истиқболли лойиҳалар билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ташаббуслари кўп эмас. Айрим туман партия ташкилотлари ходимларининг билим-кўникмалари етарлича деб бўлмайди. Мазкур ўқув-семинар ана шу кемтикларни бартараф қилишга хизмат қилади, албатта.

**Партия марказий органларининг иш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш** бугун партия олдида турган энг долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди. Шу боис ўқув-семинарда бу мавзуга алоҳида ўрин берилди.

— Партия мафкураси ва сайловолди дастурини аҳоли ўртасида ёритиш маҳоратини ошириш йўлларини белгилаш, фуқароларнинг мурожаатлари асосида ишлашни такомиллаштириш долзарб вазифадир, — деди партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров. — Шу билан бирга, турли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирларни ташкиллаштиришда фаол ташаббус билан чиқиш, туман ва шаҳар даражасида обрўли, катта таъсир доирага эга бўлган фуқароларни партия фаолиятига жалб этиш, партия ҳужжатлари билан самарали ишлашни, партия аъзоларига кўрсатмалар беришни йўлга қўйиш, депутатлик гуруҳларига аниқ вазифа ва кўрсатмалар бериб бориш ҳам олдимиздаги кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига киради.

Ўтказилаётган турли даражадаги сайловлар барча сиёсий партияларнинг тажрибаси ва маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Шу боис ҳаётнинг ўзи партиямиз аъзоларидан янада фаолроқ, янада ташаббускорроқ бўлишни талаб этмоқда. Энг асосийси, партиядошлар ва депутатлик корпуси билан яқин ҳамкорликни ўрнатиш зарур. Сўнгги йилларда партия тизимида шаклланган “партиядош-қариндош” тамойили бўйича сиёсий партия вакиллари орасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бориши ва улар бир-бирларининг муаммоларини ҳал этишлари, бир-бирига турли масалаларда, ҳатто шахсий, оилавий, ижтимоий масалаларда ёрдам беришлари керак.

**«Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП депутатлик гуруҳининг партия Кенгаши билан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилишдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш”** масаласи ҳам семинар иштирокчилари диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда “Адолат” СДП олдида турган асосий вазифалардан бири партиядан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашга сайланган депутатларнинг фаолиятини бошқариш, тартибга солиш ва партия кўрсатмаларини бажаришга йўналтиришдан иборат. Шу боис маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатларини партия ташкилотида сайланадиган органларга (Кенгаш, Ижроия Қўмита)га сайлаш ва шу орқали уларни партия ҳаётига жалб қилиб бориш зарур. Маҳаллий Кенгаш депутатларининг партия ҳаётида фаол иштирок этиши таъминланганидан сўнг уларни ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини таъминлаш бўйича тегишли чораларини белгилаб олиш керак бўлади. Маҳаллий депутатлар минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишлари учун улар ўз ҳуқуқ ва ваколатларини аниқ билишлари зарур.

Шунингдек, семинарда «Партия Сиёсий Кенгаши ҳужжатларида белгиланган вазифаларни ижро этишда Ўзбекистон “Адолат” СДП Наманган вилояти Кенгаши фаолиятининг усул ва услубларини тубдан яхшилаш чоралари” мавзуида Наманган вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Зулфия Аҳмадхўжаева, «Штатдаги ходимларнинг касбий маҳоратини, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги билимларини ошириш” мавзуида партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати маслаҳатчиси Тоҳир Шамсибаев, «Наманган шаҳар партия Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш йўллари ва чоралари” мавзуида Наманган шаҳар партия кенгаши раиси Бахтиёр Муҳаммадаминовлар маъруза қилишди.

Йиғилишда кўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# Фаол ёшлар — келажак пойдевори

Тадбир

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Қашқадарё вилояти Кенгаши
матбуот хизмати.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг маҳаллий кенгашлари томонидан ёшлар билан ишлаш, уларни партия сафларига жалб этиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада турли жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Партиянинг Китоб тумани кенгаши ташаббуслигида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан ҳамкорликда тумандаги Ижтимоий-иқтисодиёт коллежида ташкил этилган тадбирни ҳам ёшларга қаратилаётган эътибор намунаси дейиш мумкин.

«Эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этишда ёшларнинг ўрни» мавзуига бағишланган мазкур тадбирда маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари, «Ёш адолатчилар» қаноти аъзолари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда Президентимизнинг ўтган йил ноябрь ойида Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган вазифалар хусусида сўз борди.

— Бугун мамлакатимиз ёшлари турли соҳаларда фаоллик кўрсатиб, жамиятимизнинг барча тармоқларига катта шижоат билан кириб келмоқдалар, — деди туман партия кенгаши раиси Хосият Жабборова. — Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ислоҳотлар жараёнига уларни кенг жалб этиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш зарур. Айниқса, таълим муассасаларини битириб чиқаётган ёшларни иш билан таъминлаш энг долзарб вазифадир. Фаолларимиз билан ана шундай долзарб вазифани чуқур ҳис қилган ҳолда ҳудудимиздаги корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат ярмаркалари ташкил этаяпмиз. Уларнинг доимий иш ўринлари билан бандлигини таъминлаш ва мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга ўз ҳиссаларини қўшишларига кўмаклашиш йўлида бор куч ва имкониятларимизни ишга солаяпмиз.

Учрашувда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда келажагимиз ворисларининг иштироки ва фаоллигини кучайтириш борасида ўз таклиф, мулоҳазаларини билдиришди.

— Бизнинг бош мақсадимиз адолатли фуқаролик жамияти барпо этишдек эзгу ишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат, — деди партия вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Беҳрузжон Муродов. — Келажакда фаровон ҳаёт барпо этиш учун нафақат партиямиз фаоллари, балки юзлаб фаолларни бирлаштирган «Ёш адолатчилар» қаноти вакилларининг ташаббускорлигини таъминлаш ҳам жуда муҳим. Партиямиз электорати орасида олиб бораётган ишларимиз ҳамда сафларимизни фаол ёшлар ҳисобига кенгайтириш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз ҳам ана шу мақсадга йўналтирилган.

Қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган тадбир сўнггида келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар юзасидан режалар белгилаб олинди.



# Хусусий мулк ҳимояси

## ва мулкдор ҳуқуқи кафолати — замон талаби

« Давоми. Боши 1-бетда



Жумладан, мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда партиянинг барча тарафдорлари партия сайловолди дастурида айтилганидек, бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан баён этилган ривожланишнинг асосий тамойилларига — "**Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишдан иборат бўлган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти**"га таянадилар. Бу эса партиянинг ва унинг теварагига жипслашган барча фуқароларнинг зиммаларидаги масъулиятини шубҳасиз, янада оширади.

Қонунчилик палатаси депутатлари ва хусусан, ундаги "Адолат" СДП фракцияси аъзолари парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги Президентимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар асосида ўзларининг иш фаолиятини тобора самарали ташкил этиш ҳаракатини қилишаяпти. Чунончи, партиянинг ҳам, фракциянинг ҳам муддатли Ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилиб, уларда Концепциянинг VI йўналиши — "Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўлида қилинадиган ишлар, вазифалар белгилаб олинди.

Фракция хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқлари кафолатларини қонуний мустаҳкамлаш баробарида ўз позициясини аниқлаб олди. Қонун ижодкорлиги билан боғлиқ истиқболдаги вазифаларни таҳлил қилиб, хусусий мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқининг қонуний муҳофазасини партия платформаси асносида олиб бориш борасидаги таклиф ҳамда тавсияларини тайёрлади. Улар орасида ҳатто, кичик бизнес субъектлари ва хусусий мулкдорларга кредит берадиган банклар фаолиятига оид қонунчиликни такомиллаштириш ҳақида ҳам таклифлар бор.

Ишончимиз комилки,бундай таклифлар, тавсиялар бошқа сиёсий партиялар ишлаб чиққан ҳаракат дастурларида ҳам акс этган. Бу бежиз эмас. Негаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бугунги кунда мамлакатимизнинг асосий таянчи бўлиб қолмоқда. Уларнинг юртимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йил сайин ошиб бораётгани бунга яққол мисол. Агар 2000 йилда уларнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 52,5 фоизга етгани ҳам шуни тасдиқлаб турибди.

Яна бир мисол: 2000 йилда 104 минг 486 та микрофирма ва кичик корхона фаолият кўрсатган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 201 минг 730 тага етди. Аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — яъни мулкдорлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳозир республикамизда иш билан банд аҳолининг 75 фоизга яқини айнан шу соҳаларда меҳнат қилаётгани бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, партиямиз ўз позициясига кўра, **ижтимоий демократия тамойилларидан** келиб чиқиб, амалдаги иқтисодий қонунчилик мониторинги ва уни кодификациялашни, айни кезда молиявий муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини Концепция талаблари даражасига кўтаришга эришишни устувор ижтимоий-сиёсий вазифалардан деб билади.

Президентимиз маърузасида қонунчилик ташаббуси билан "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида" Қонун ишлаб чиқиш даркорлигини алоҳида таъкидладилар. Дарвоқе, Ўзбекистонда хусусий мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоячиси — давлат экан, унинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш ҳам давлат зиммасида, қолаверса, давр талаби ҳамдир. Токи, ҳар бир мулкдор қонуний йўл билан эришган ва яратган мулки дахлсизлигига шубҳа қилмаслиги, бизнесидан хавотир олмаслиги керак. Аксинча, фикри-зикри ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, тайёрлаётган маҳсулотлари ҳажми ва оладиган даромадини кўпайтириш, мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этиш билан банд бўлсин. Шунда, бозор иқтисодиётининг негизи — хусусий мулк давлат томонидан кафолатланган бўлади. Қонунда айни шу жиҳатлар мужассам бўлиши учун "Адолат" СДП ўз позициясини ишлаб чиқиб, фракция йиғилишларида қайта-қайта пишитиб олмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳати. Юртбошимиз ўз маърузасида **"Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски бу соҳа реал иқтисодиётимизда, аввалямбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти"** — деб куюниб қайд қилдилар.

Хўш, нега шундай? Сабаби шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этишда ҳануз қийинчиликлар, муаммолар учраб турибди. Давлат буюртмаларини олиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сотишда муайян чекловлар мавжуд. Ана шундай муаммолар ечими йўлида Қонунчилик палатаси депутатлари Олий Мажлисда ҳам, ўз партиялари фракциялари йиғилишларида ҳам кунт билан ишламоқдалар. Жумладан, "Адолат" СДП фракцияси аъзолари "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасига хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларини кафолатлашнинг қонуний мустаҳкамлиги нуқтаи назаридан ёндашиб, тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, улар фаолиятига кўпроқ эркинликлар бериш, соҳани кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, давлат буюртмаларини олиш, маҳсулотларни сотиш, имтиёзлар бериш борасида ўз таклифларини тайёрладилар. Бу таклифларда хусусий мулкдорларнинг халқаро андозадаги даромадларнинг йиллик декларациясига босқичма-босқич ўтиши, молия статистика ҳисоботлари тизимини легаллаштириш, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш механизмлари ҳисобидан қўллаб-қувватлаш борасидаги партиямиз ёндашуви-позицияси ҳам акс этмоқда.

Қисқаси, Президентимиз илгари сурган Концепцияда алоҳида йўналишлар ва вазифалар сифатида белгиланган хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини қонуний мустаҳкамлаш борасида мамлакатимиз Олий Мажлиси қуйи палатаси депутатлари, жумладан, барча сиёсий партиялар каби Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда унинг палатадаги фракцияси аъзолари олдида турган вазифалар салмоқли ва залворлидир. Бу вазифаларни амалга ошириш учун партия ҳам, фракция ҳам бор куч-ғайратларини ишга соладилар, албатта.



# Мақсадга эришишдаги ишончли йўл

« Давоми. Боши 1-бетда

Ҳар қандай партиянинг бугунги мавқеи ва эртанги истиқболи аввало депутатларнинг ўз тарафдорларини кўпайтириши, аъзолари сонининг ошиб бориши ва шу орқали ўз дастур ҳамда мақсадларини амалга оширишида намоён бўлади.

Бу табиий ҳол. Аммо шуни унутмаслик лозимки, оддий фуқаро ўзига маъқул партияни қўллаб-қувватлаш ва танлов масаласи ўртага ташланадиган бўлса, у ўзи билган, хайрихоҳ бўлган депутатнинг амалий ишларига, халқнинг дарди, муаммоларини эшитишга тайёр эканлигига, ташаббускорлиги ҳамда фидойилигига қараб йўл танлайди. Демак, халқни ортидан эргаштирувчи биринчи восита — депутатнинг фаоллигидир. Бизнинг депутатлик гуруҳимиз партиянинг асосий дастур ва ғояларини аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, сайловчилар олдида берилган ваъдаларни бажариш жараёнида ана шу амалий йўлнинг самарали эканлигига кўп бор гувоҳ бўлаяпмиз. Сайловчилар ўртасида ўтказилаётган учрашув ва очиқ мулоқотларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгаш депутатларининг ҳамкорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани партиянинг кўзланган мақсадга эришишдаги энг ишончли ва тўғри йўлидир.

Бир сўз билан айтганда, "Адолат" СДПнинг ижтимоий адолат тамойилларига асосланган юксак ғояларини тарғиб қилишда, давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда партиянинг ўрни ҳамда эътиборини юксалтиришда фидойилик кўрсатиб ишлаш биз депутатларнинг бурчимиздир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Концепциядаги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, айниқса, ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратининг такомиллаштирилишига оид ғоя ва йўналишларнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мамлакатимизда чинакам кўппартиявийлик шаклланади, сиёсий партиялар нафақат жамият, балки давлат ишларини бошқаришда ҳам ҳал қилувчи ўринга эга бўла олади. Иккинчидан, жамият ҳаётида фуқаролик жамияти институтларининг, жумладан, сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб бориши, ушбу тузилмаларнинг жамиятдаги янгиланиш жараёнлари, жумладан, ўз электорати ҳаётини янада яхшилаш йўлида масъулият ва жавобгарлик ҳиссини тақозо этади. Учинчидан, ижро ҳокимияти тизимига кирувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг ўзларига топширилган соҳада қонунларнинг тўла, оғишмай ижро этилиши учун масъулиятни кучайтиради.

Қизғин баҳс-мунозаралар ва савол-жавобларга бой тарзда ўтган илмий-амалий семинар сўнггида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

# Бугунги талаб

## иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор

**БПТ — партия таянчи**

**Шоҳида МАРС қизи,**
«Adolat» мухбири.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай сиёсий партиянинг негизи ҳисобланади. Мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширишда, партия ғояларини ёйишда ва электорат ишончини қозонишда айнан қуйи бўғинларга таянилади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида партиянинг 14 та туман, 2 та шаҳар кенгашлари мавжуд бўлиб, уларга 313 та БПТлар бирлашган. Улар орасида Қўнғирот сода заводи қошида ташкил этилган БПТ партиянинг мақсадларини рўёбга чиқариш, унинг ғояларини кенг омма орасида тарғиб қилиш йўлида муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



— 2009 йил Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан заводимиз қошида бошланғич партия ташкилоти тузилди, — дейди БПТ раиси, Тошкент кимё технолигиялари институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлими декани Қобилжон Муҳамедов. — Қуйи ташкилотимиз махсус сиртқи бўлим талабалари билан биргаликда партия сайловолди дастурида белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб турли тадбирлар, давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ташкил этмоқда. Энг муҳими, шунчаки "тадбирбозлик" билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, иложи борича тадбирларни қизиқарли ва мунозарали тарзда ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳар йилнинг май ойида "Адолат" СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳамда БПТ ҳамкорлигида мамлакатимизда кенг нишонланадиган "Кимёгарлар куни"га бағишланган анжуман ташкиллаштиришга одатланганмиз. Ўтган йилнинг 29-30 октябрь кунлари партиянинг Марказий Кенгаши, Тошкент кимё технологиялари институти ва Қўнғирот сода заводи ташаббуси билан заводимизнинг анжуманлар саройида "Кимё, нефт-газ, ишлаб чиқариш корхоналарида инновацион технологияларнинг долзарб масалалари" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани ташкил этилди. Мазкур тадбирнинг асосий мақсади Тошкент давлат техника университети, Қорақалпоғистон давлат университети, Тошкент архитектура қурилиш институти, Нукус давлат педагогика институти ва Тошкент кимё технологиялари институтининг профессор-ўқитувчилари, олимлари ва уларнинг раҳбарлигида махсус сиртқи бўлимимиз ишчи-талабалари томонидан ишлаб чиқилган инновацион лойиҳаларнинг бевосита ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари ҳукмига ҳавола этиш ҳамда технологик жараёнлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат эди.

Анжуман доирасида юздан ортиқ илмий-тадқиқот лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди. Шуни фахр билан айта оламанки, анжуман доирасидаги асосий илмий-тадқиқот ишлар бевосита корхонада фаолият олиб бораётган талаба ёшлар томонидан тақдим этилган эди. Бу юртимизда ва хусусан, корхонамизда рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган малакали кадрлар сонининг кескин ошиб бораётганлигидан далолат беради. Қўнғирот сода заводида фаолият олиб бораётган ишчи-талабаларнинг бевосита илмий-тадқиқот фаолиятига жалб қилинганлиги, нафақат ушбу заводнинг, балки келгусида қурилиши режалаштирилаётган, ҳажми ва ишлаб чиқариш потенциали бўйича МДҲ давлатларида муқобили бўлмаган "Устюрт газ-кимё мажмуаси"-ни шакллантиришда юқори салоҳиятли ва малакали ходимларга бўлган талабнинг тўлақонли қондирилишини таъминлаб беради.

— Бугунги кунда республикамиз иқтисодиётининг қайси тармоғига назар ташламайлик, янгиланиш ва юксалишнинг гувоҳи бўламиз. Мамлакатимизнинг иқтисодиётда ижобий кўрсаткичларга эришишида, албатта, истиқлол йилларида барпо этилган, Марказий Осиёда ягона бўлган Қўнғирот сода заводи жамоасининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, — дейди заводнинг бош директори, Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзоси, Сенатор Абат Рамберганов. — Юртбошимиз ташаббуси билан ишга туширилган заводимизда кальцинацияланган сода ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилгани республикамизнинг турли соҳаларини зарур хомашё билан таъминлаш имконини беради.

Маълумот учун шуни айтиш жоизки, кальцинацияланган сода табиий хомашёлар асосида ва синтетик йўл билан ишлаб чиқарилади. Табиий усулда олинадиган сода, айниқса, дунё бозорида юқори баҳоланади. Бундай табиий хом-ашё захирасига эга давлатлар дунёда саноқлидир. Канада, Мексика, АҚШ, Бразилия, Боливия, Венесуэла, Кения, Эфиопия, Нигерия, Танзания, Уганда, ЖАР, Хитой, Ҳиндистон, Покистон сингари давлатлар сафига Ўзбекистоннинг ҳам қўшилгани қувонарлидир.

Энг муҳими, заводда замонавий автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий қилинган бўлиб, технологик жараёнда дунёга машҳур фирмалар "Hontywtll" ва "Siemens"нинг сўнгги авлод компьютерлари хизматидан фойдаланилади. Шунингдек, завод жамоаси бизнесдаги намунавий фаолияти ва ишлаб чиқарган сифатли маҳсулоти учун халқаро "Олтин ягуар" мукофотига сазовор бўлди.

Завод қошидаги БПТ раиси Қобил ака билан суҳбатимиз беихтиёр жамиятнинг қаймоқ қатлами бўлмиш ёшларга берилаётган юксак эътибор, уларнинг иқтидори ҳамда салоҳияти мавзусига кўчди.

— 2007 йил Президентимиз Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларига ташрифи жараёнида Қўнғирот сода заводи ва унинг қошида ташкил этилган Кимё технологиялари институтининг махсус сиртқи бўлимида талабалар билан ўтказилган суҳбатда ёшларни юксак марралар сари интилишга, замонавий технологияларни ўзлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатишга ундаганлари, уларнинг фидокорона меҳнати юртимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши борасидаги фикрлари жамоамиз аъзоларини янада руҳлантирган, ғурур ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаган эди.

Шуни фахр билан айтиш мумкинки, ҳозирги кунга келиб, махсус сиртқи бўлим Қўнғирот сода заводи учун 200 дан зиёд юқори малакали кадрларни тайёрлаб берди. БПТ аъзолари, махсус сиртқи бўлим талабалари орасида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида юқори натижаларни қўлга киритаётган иқтидорли ёшлар талайгина. Улардан магистратура йўналиши талабаси, заводнинг бош механиги Шароф Худайбергенов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди. Магистратура йўналишининг II босқич талабаси Баҳодир Назруллаев "Келажак овози" танловида "Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар" номинациясида мутлоқ ғолиб деб топилди. Бошланғич партия ташкилотимизнинг Ш.Худайбергенов, А.Муҳаммадиёров, К.Курбаниязов, Ф.Каниязов, М.Дабилова, Е.Калимбетов, А.Худайбергенов, С.Йўлдашев, П.Кутибаев, Ф.Асхаров, С.Оспанова, С.Тошболтаев ва Б.Казаков каби фаол аъзолари ишлаб чиқариш билан биргаликда партия сафларини фаол ва ташаббускор аъзолар ҳисобига кенгайтиришда, партия ғояларини тарғиб қилишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

"Адолат" СДПнинг сайловолди дастурида иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор, деб ёзиб қўйилган. Ана шу мақсадларни рўёбга чиқаришда Қўнғирот сода заводи қошидаги БПТнинг фаол аъзолари бор куч-ғайратларини сафарбар этишларига, албатта, ишонамиз.

# Жамият тараққиётининг мустаҳкам пойдевори

Ҳуқуқий маданият

М.АҲМЕДОВ.

Эркин, демократик тамойиллар асосида фуқаролик жамиятини барпо этиш ва уни такомиллаштириш йўлини танлаган ҳар қандай жамият ҳаётида, энг аввало, мамлакат ҳаётининг асосий йўналишларига доир демократик ислоҳотларни кенг кўламда ўтказиш, амалга оширилаётганларини эса миллий тараққиёт даражасига мос равишда босқичма-босқич чуқурлаштириш зарур бўлади.

Ҳаёт оқимининг бугунги шиддати, дунёда, минтақада, мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришлар у ёки бу маънода одамларнинг дунёқараши ва турмуш тарзида ўз аксини топади. Чунончи, жамият тараққий этиб борар экан, ўтказилаётган ислоҳотларнинг натижаси янада яққол кўзга ташланади. Бу ҳолат жамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий эҳтиёжларини янада ошириб юборади.

Лўнда қилиб айтганда, одамлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан фаровон яшашни, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни, фуқаро сифатидаги ҳуқуқ ва эркинликларидан тўла фойдаланишни истайдилар. Мамлакат миқёсида қабул қилинаётган муҳим қонун ва қарорлар лойиҳалари муҳокамасида қатнашиб, жўяли таклифлар билдирса ва улар инобатга олинса, бу эътибордан таклиф киритувчи бениҳоя қувонади, ўзини жамият ҳаётига дахлдор деб билади ва янада фаоллашади. Фикр-мулоҳазалари инобатга олинган фуқарода фахр-ифтихор туйғуси билан бирга, ўзига хос масъулият ҳам пайдо бўлади. Айни шу масъулият аста-секин унинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиради.

Авваллари у турли йиғинларда шунчаки иштирок этиб, муҳокама мавзусига деярли бефарқ қарар, фикр билдириш лозим бўлиб қолса, чуқур ўйланмаган, мантиққа зид таклифларни, барибир инобатга олишмайди, дея бемалол ўртага ташлар эди. Энди бўлса ҳар бир сўзини, фикр-мулоҳазасини тош-тарозига қўйиб гапиради. Бирор масала ёки муаммо юзасидан муҳокама ўтказилишидан хабар топса, унга жиддий ҳозирлик кўради. Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида баён қилинган Концепцияда одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти жамиятнинг ривожланиши, ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарасига бевосита боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилганлигининг маъноси ҳам шунда. "Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир,— деб таъкидланади мазкур ҳужжатда.— Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур".

Бугун ҳаётимизда, дунёқарашимизда, турмуш тарзимизда жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Ортимиздан замонавий билимларни мукаммал ўрганган, ўз соҳасида жаҳон тажрибаларидан яхши хабардор янги навқирон авлод келаётир. Кеча ҳар жиҳатдан мукаммал кўринган ечимларга ҳаётнинг ўзи, ривожланиш шиддати бугун таҳрир киритмоқда. Бундай шароитда воқеаларнинг шунчаки пассив кузатувчиси бўлиб қолиш мумкин эмас, аксинча, ҳар бир киши ўз йўналишида шижоат тизгинини қўлга олиши, миллат, жамиятнинг фидойи, куюнчак курашчиларига айланиши талаб этилади. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, жамиятда соғлом баҳс-мунозара, партияларaро рақобат муҳити юзага келаётган экан, бу жараёндан четда қолмаслик учун ҳар бир киши, айниқса, ёш авлод маънавий-маърифий тамойиллар, иқтисодий кўникмалар билан бирга, биринчи навбатда сиёсий ва ҳуқуқий билимларни ҳам мукаммал эгаллаши лозим. Бунинг учун ҳар бир кишининг тегишли ўқув юртига имтиҳон топшириб, яна талабаликка қайтиши шарт эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, мамлакатда ҳуқуқий билимлар тарғиботининг ғоят самарали, таъсирчан тизимини юзага келтириш бу борада кутилган самарани бера олади. Ҳаётда кўпинча шундай бўладики, сиёсат, иқтисод ёки ҳуқуқ соҳасига доир билимларни баҳс-мунозара чоғида янада мустаҳкамлаб олиш ҳам мумкин.

Жаҳон давлатлари, хусусан, Европа ва яқин Шарқ мамлакатлари тарихидан яхши маълумки, мамлакат ҳаётида, иқтисодиётда маълум муаммолар вужудга келганида ёхуд жамият тараққиётнинг янги босқичига кўтарилаётганида дунёқараши турлича одамлар, сиёсий фаолият майдонида турлича ечимларни излаб ўзаро рақобатлашаётган сиёсий кучлар юзага келган ҳолатдан муваффақиятли чиқиш учун саъй-ҳаракатларини бирлаштирадилар. Бу қоидага амал қилиш сиёсий маданиятгина эмас, миллий, инсоний маданият ҳам ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари таклиф этган Концепцияда Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, ваколати доирасини қонун йўли билан янада кенгайтириш кўзда тутилган. Бинобарин, мамлакат Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловда энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Бу янги қоида мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партиялар учун жуда катта имконият, айни чоғда, ўта жиддий масъулият ҳамдир. Конституцияга киритилаётган ўзгаришлар, биринчи навбатда, мамлакатимизда жамият ҳаётини демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари изчил, босқичма-босқич давом этаётгани, сиёсий ҳаётимизда кўппартиявийлик тизими йилдан-йилга, сайловдан сайловга мустаҳкамланиб бораётганини кўрсатади, шу билан бирга, бу ўзгаришлар жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатимизда давлат ҳокимияти субъектлари — давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб равишда тақсимлаш имконини беради.

Гап фақат ваколатда эмас. Концепцияда Президент Ислом Каримов илгари сурган ғояларнинг, мамлакат қонунчилигига ва, аввало, Конституцияга киритилаётган ўзгаришларнинг бош мақсади ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар суръатини янада ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришиш, уларда юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни, мамлакат эртаси, келажаги учун шахсий масъулият ҳиссини кучайтиришдан иборат. Ҳар бир киши ўзи масъул бўлган соҳада, танлаган касбида, илмий, ижодий, тадбиркорлик, яратувчилик фаолиятида ва ҳатто, оилада ҳам, миллат тақдирига, мамлакат келажагига дахлдорлигини ҳис этиши, атрофида кечаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўлмаслиги керак. Ҳар бир кишининг кичик муваффақиятидан, кичик куюнчаклиги ва фидойилигидан умумий муваффақият келиб чиқади. Бунга эришишда сиёсий партияларнинг ўз электорати билан қандай ишлаши, аҳоли турли қатламлари орасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлиги катта аҳамиятга эга.

Юксак сиёсий ва ҳуқуқий маданиятга эришишнинг зарурлиги жамиятимиз тараққиётининг бугунги босқичидан ҳам келиб чиқади. Мустақил Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи кундан-кунга, йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган дастурларни Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи, ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси тан олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзосига айланиб борар эканмиз, мамлакатимиз ҳозирга қадар инсон ҳуқуқларига доир 70 дан ортиқ муҳим шартнома ва келишувларга, БМТнинг йирик декларация, пакт ва конвенцияларига қўшилди. Дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан сиёсий-иқтисодий, парламентлараро, илмий, маданий-маърифий алоқаларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларнинг қўшма фаолиятлари тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани, бу йўналишда халқаро андозаларга мос ҳуқуқий база, фаолият юритиш учун қулай шарт-шароит яратилгани хорижлик сармоядорларни ўзига жалб қилмоқда. Юртимизга келаётган сайёҳларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ижобий ўзгаришлар юз бераётир. Бундай шароитда биз нафақат мамлакатимизнинг, айни чоғда биз билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик риштапарини боғлаган хорижий давлатларнинг қонунлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини, жаҳон мамлакатларининг тадбиркорликка доир тажрибасини ҳам чуқур ўрганишимиз зарур бўлади.

"Адолат" социал-демократик партияси жамият ҳаётида ижтимоий адолат принципларининг қарор топишини, инсон ҳуқуқи ва эркинликларининг таъминланишини ўзининг бош мақсади, ҳаракат дастури қилиб белгилаган экан, юқоридаги вазифаларнинг тўла маънода амалга ошишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши, бу борада бошқа партияларга нисбатан фаол бўлиши талаб этилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мазкур институтни жамият сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми, юксак бунёдкорлик салоҳиятига эга бўлган ижтимоий ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим бирламчи бўғини сифатида кучайтириш борасида тизимли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

# Маҳалла сайловининг асосий принциплари

**"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари"**

**Нуриддин НАРМАТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори.



Айни пайтда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови сифат жиҳатдан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, аҳолининг ижтимоий фаоллиги, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти сезиларли даражада ўсиб бормоқда, улар томонидан мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашни янада чуқурлаштириш йўлида амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислоҳотлар қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалар сифатида белгиланган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлиги билан боғлиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга қаратилган устувор вазифаларни бажариш, ўз навбатида бўлажак сайловларда оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2011 йил 31 мартдаги қарори билан маъқулланган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш концепцияси" ҳамда "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказишга доир тадбирлар дастури" асосида жорий йилнинг май-июнь ойларида қарийб 10 мингга яқин фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) ва уларнинг 98 минг нафардан ортиқ маслаҳатчисини сайлаш юзасидан ўтказиладиган муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни қонунда белгиланган принципларга риоя қилган ҳолда амалга оширилишини тақозо этади. Шундагина, мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишларига оид конституциявий ҳуқуқларининг, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципини изчил амалга оширилиши таъминланади.

Маълумки, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови **демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи** асосида ўтказилиши белгиланган бўлиб, улар фуқароларнинг маҳалла бошқарув органларини демократик шакллантириш жараёнида бевосита қатнашишларини кафолатлайди. Хусусан, мазкур жараённинг *демократизм принципи асосида ўтказилиши* сайловнинг барча босқичларида фуқароларнинг бевосита иштирок этишини англатади. Жумладан, Қонуннинг 9-моддасига кўра, тегишли ҳудудда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фуқаролар томонидан бевосита шакллантирилган давлат ҳокимияти вакиллик органининг қарори билан тузилади. Шунингдек, Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи бевосита фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тузилади. Бундан ташқари, демократизм принципи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилишида ҳам намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни *очиқ ва ошкора амалга ошириш* муҳим шарт ҳисобланади. Чунки, ошкоралик демократик сайловларнинг ажралмас хусусияти ҳисобланади. Ошкоралик натижасида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодлар, овоз бериш якунлари ҳақида фуқаролар маълумотга эга бўлишади. Ахборотга тўла эга фуқаролар йиғини иштирокчилари овози эса овоз бериш натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, мамлакатимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайлови демократик тарзда ўтишида, унга тайёргарлик кўриш ва овоз бериш ҳамда натижани аниқлашда ошкораликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маҳалла ривожи, кўп жиҳатдан оқсоқол ва унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ким бўлишига боғлиқ. Мазкур вазифаларга кўрсатилган номзодлар ичидан энг муносиб, масъулиятли ва ҳурматли, ишга ҳалол муносабатда бўладиган, катта ҳаётий тажрибага, одамлар билан ишлаш ва мулоқот қилишнинг амалий кўникмаларига эга фуқароларни сайлаш масъулиятли ишдир.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизда белгиланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг асосий принципларига риоя қилиш аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги даражаси, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига кўрсатилган номзодларнинг фаолиятини баҳолашга, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизациялашни янада чуқурлаштириш йўлида амалга оширилиб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг жойларда амалга оширилишига нисбатан талабчанлиги ва эътибори тобора ортиб боришида катта ҳисса қўшади. Мазкур омилларнинг барчаси фуқаролар йиғини иштирокчиларининг оқсоқол ва унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари вазифасига муқобил номзодлар ичидан муносибини танлашда масъулиятли ёндашган ҳолда овоз беришлари орқали сайлов жараёнини юқори даражада ўтишини таъминлашга хизмат қилади. Бу эса фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, маҳалланинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципини изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

# «Учинчи сектор»ни ривожлантириш

## мамлакатни демократик янгилашнинг муҳим шарти

« Давоми. Боши 1-бетда

Агар мустақиллик арафасида Ўзбекистонда жамоат ташкилотлари сони 200 тани ташкил этган бўлса, 2000 йилга келиб уларнинг сони 2300 дан ортди, жорий йилнинг ҳозирги даврида эса Адлия вазирлигидан олинган сўнгги маълумотларга кўра, мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар сони 5200 тадан ортди. Улар аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиб келмоқдалар. Аҳамиятли томони шундаки, ННТлар жамиятимизда ижроия ҳокимияти ва давлат органлари устидан самарали жамоат назоратини олиб бориш воситасига айланиб бормоқда. Биргина фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари 30 дан ортиқ йўналишда, Касаба уюшмалари 10 дан ортиқ йўналишда жамоат назоратини амалга оширмоқда.

Кўпгина ғарб давлатларидан фарқли равишда Ўзбекистонда давлат билан ННТлар, фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий ҳамкорлик ўрнатилган. Бизда ННТлар давлатга қарши туриш тамойили асосида эмас, балки ижтимоий ҳамкорлик принципи асосида фаолият олиб бормоқда. Президентимиз томонидан «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш таклифи илгари сурилганлиги ҳам бунинг нақадар долзарб аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.

Айтиш жоизки, Парламент комиссиясининг фаолияти, аввалambор, давлат бюджетидан «учинчи сектор»ни ривожлантиришга йўналтирилаётган молиявий маблағларни шаффоф, очиқ ва манзилли, энг муҳими, демократик тарзда тақсимлашга қаратилганлиги ННТлар фаолиятининг ташкилий-техник ва иқтисодий базасини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Бу ўз навбатида, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аҳамиятини янада мустаҳкамлашга кўмаклашиш вазифасини ҳал этиш имконини бериш билан бирга, мамлакатни демократлаштириш бўйича олдинга қўйилган мақсадларни амалга ошириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини ҳаётга татбиқ этишнинг ҳал этувчи омилига айланмоқда.

— Кейинги уч йил давомида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди, — деди Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ижрочи директори Олим Муҳитдинов. — Жумладан, биргина 2010 йил давомида Парламент комиссияси томонидан танлов асосида фуқаролик институтларининг 500 дан ортиқ лойиҳалари кўриб чиқилиб, умумий қиймати 4,5 миллиард сўмлик ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар молиялаштирилди, турли йўналишлар бўйича республика миқёсида 5 та грант танлови ўтказилди. Жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилаётган лойиҳалар учун Парламент комиссияси томонидан 5 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Комиссия қарорига кўра, ушбу маблағлар Концепцияда белгилаб берилган фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шериклик асосида энг муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, мамлакат аҳолисининг турли қатламлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали механизмларини яратиш борасидаги устувор вазифаларни татбиқ этишга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни танлов асосида асосий йўналишлар бўйича қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.



Брифингда шунингдек, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг раҳбар ходимлари сўзга чиқиб, жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган ижтимоий лойиҳалар ҳақида журналистларга батафсил ахборот бердилар.

Ижтимоий ҳаёт

# Термиз — бугунидан эртаси гўзал боқий кент

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Adolat» мухбири.

Термиз шаҳри жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган боқий шаҳарлар қаторига киради. Унинг бугунги ҳаёти узоқ ўтмиши билан ҳамоҳанг. У Ал-Ҳаким Ат-Термизий, Исо Муҳаммад Термизий, Саноний Термизий сингари улуғ фарзандлари билан дунёга танилган. Илм-фан, санъат ва адабиёт, маънавият-маърифат бешиги.




Юртбошимизнинг раҳнамолиги билан ўтган 20 йиллик умри сермазмун. Мамлакатимизда "Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги", "Алпомишнинг 1000 йиллиги", "Тошгузар — Ғузор — Бойсун — Қумқўрғон" темир йўлининг кенг кўламли қурилиши муносабати билан катта ҳажмдаги қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Марказий Осиёда ягона Археология музейи, Амфитеатр, Теннис корти, "Алпомиш" истироҳат боғи, шарқона усулда қурилган Марказий деҳқон бозори ана шулар қаторидан ўрин олган.

2009 йилдан бошлаб шаҳар қурилиш ва ободонлаштириш ишларига тубдан ўзгариш ясалди. Термиз давлат университети бош биносининг биринчи блокида салкам беш миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бино фойдаланишга топширилиб, ривожланган мамлакатлар олийгоҳидан қолишмайдиган даражада гўзаллик киритилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Ўтган йили шаҳарда бир йўла 3 та йирик маъмурий ва кўп қаватли турар-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Таъкидлаш жоизки, "Термиз таъминот" хусусий корхонаси томонидан 795 ўринга мўлжалланган педагогика коллежи ҳамда 200 ўқувчини ўз бағрига олаётган ётоқхона қуриб битказилди.

— Қарийб ярим асрдан ортиқ воҳа таълим тизимига ўрта бўғин кадрларни тайёрлаб беришда хизмати синган даргоҳимизда, — дейди коллеж директори Абдураҳмон Эшқораев, — ҳозирги кунда 2127 та ўқувчи билим олмоқда. 110 нафар ўқитувчи уларга пухта билим бериш билан бирга комилликка эришувларида куч-қувватларини аямаяпти. Шаҳар ҳуснига ўзгача чирой бериб турган коллежимизнинг янги биноси жаҳон андозаларига мос жиҳозлар билан таъминланган. Ётоқхонамизда яратилган шарт-шароитлар хориж олийгоҳлариникидан асло қолишмайди. Ҳар бир хона 2-3 талабага мўлжалланган бўлиб, ўқувчиларни дарсдан ташқари вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган маърифат ва маънавият хонаси, кутубхона мунтазам ишлаб турибди. Ёзги ва қишги спорт майдонларимиз доим ўқувчилар билан гавжум. АРМ — интернет тармоғига уланиб, электрон сайтлар ташкил этилди, ўқувчиларимиз электрон дарсликлардан самарали фойдаланишяпти...



Шаҳардаги 5-даҳа эътиборсиз ҳолга келиб қолганди. Ҳозир йўлингиз тушиб бу даргоҳга бир назар ташлаб кўринг: бир йўла 20 дан ортиқ турли замонавий шарқона меъморчилик кўринишига эга бўлган маъмурий иншоотларнинг кўкка қад ростлагани кишини ҳайратга солади. Биргина ўтган йилнинг ўзида уч юлдузли "Меридиан" меҳмонхонаси, унинг рўпарасида "Меҳрибонлик уйи", Ёшлар истироҳат боғи, ёнида шифохона, қуйи томонида Асака банк, Саноатқурилишбанк, Агробанк, "Турон" ва "Шаҳристон" ресторанлари, эҳ-е-е, яна қанчалар...

"2010 — Баркамол авлод йили"да вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан даҳадаги қаровсиз ҳолга келиб қолган Алишер Навоий майдони ҳам тубдан қайта қурилиб, майдон атрофидаги 2 гектардан ортиқ ерга қимматбаҳо силлиқ мармар ва гранит плиталар ётқизилди. Қишин-ёзин яшиллигини кўз-кўз қилувчи майса ўтлар, палма кўчатлари экилди. Майдоннинг бош қисмида уч юлдузли муҳташам "Бахт уйи" фойдаланишга топширилди.

Бу йил анъанавий "Баркамол авлод" спорт мусобақаси Термиз шаҳрида ўтказилиши назарда тутилган. 100 гектар ерни ишғол қилган "Олимпиа захиралари" коллежи биноси атрофи ҳақиқий спорт галереясига айлантирилди. Ўқув биноси қайта таъмирланиб, қўшимча бинолар ҳамда 200 ўқувчига мўлжалланган кўп қаватли ётоқхона бунёд этилди. Спорт йўлакчалари жаҳон андозалари даражасига келтирилди. Айни кунларда бу ерда бош пудратчилик қилаётган "20-Бухоро трести" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 10000 томошабинга мўлжалланган муҳташам мажмуа фойдаланишга топширилиши арафасида.

— Мен Термиз шаҳрининг кекса авлодиман. Шаҳарнинг 20 йил бурунги ҳолатини эсласам,.. ҳозир ҳайратдаман. Тез фурсатларда кўкка бўй чўзиб, гўзаллигини намоён қилаётган шаҳардаги ўзгаришларни кўриб завққа йўғриласан, — дейди филология фанлари номзоди, шоир Болта Ёриев. — Эски шаҳар харобалари обод этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги билан Ал-ҳаким Ат-Термизийнинг муборак қадамжолари тубдан ўзгарди. Шарқ меъморчилиги асосида янги иншоотлар остонанинг кўрки ва жамолини очмоқда. Юзлаб гектардаги асрий қақраб ётган ерларга Амударёдан сув чиқарилиб, беҳисоб манзарали дарахт кўчатлари экилган, боғ ва анвойи гулзорлар барпо этилди...

Буларгина эмас, шаҳар йўлсозларининг куч-ғайрати билан ўнлаб километрда эски йўлларга хориж технологияси асосида янги юшмоқ асфальт тўшалди. Йўловчи ташиш транспорт корхонаси томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 50 та ISUZU русумли ихчам автобуслар турли йўналишлар бўйлаб шаҳарликларга хизмат кўрсатаяпти. Шаҳарни Шеробод, Ангор, Музработ, Жарқўрғон туманлари билан боғловчи автобуслар йўналишлари ҳам маромига етказилди.

— Шаҳар саноатининг ривожланиш босқичига алоҳида эътибор беряпмиз, — деди Термиз шаҳар ҳокими ўринбосари Пўлат Тошпўлатов — ўтган йил биргина "Шиндонг-Спиннинг-Термиз" қўшма корхонаси томонидан 2745,7 тонналик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, шундан 2426,5 тоннаси (5909,3 минг АҚШ доллари ҳисобида) четга экспорт қилинди. Ёки "Сурхон-Термиз-Силк" хусусий корхонасида ишлаб чиқарилган атлас матолари, шунингдек, "Ўрта Осиё қизилмия" масъулияти чекланган жамиятида тайёрланган 125,8 минг АҚШ доллари миқдоридаги шифобахш ширинмия хориж саноатига кириб борди.

Шаҳарда хусусий тадбиркорлар кўмагида олиб борилаётган ишлар ҳам янада таҳсинга молик. "Термиз-сут", "Азиз нон", "Маҳлиё", "Барака Наврас", "Алп -Баҳодир Нор", "Ҳусниддинбек", "Бронто Булдинг Сервис", "Аму-Қашқар-Сурхон", "Гуласал Шабнам" каби хусусий корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин ошмоқда. 2012-йилгача мўлжалланган манзилли дастур асосида "Сервис Авто Термиз" масъулияти чекланган жамиятда том ёпилмалари маҳсулоти ишлаб чиқариш, "Аму-Қашқар-Сурхон" корхонасида пилла ва мева-сабзавот маҳсулотлари қуритиш, "Универсал электроника" хусусий корхонасида компьютерларни йиғиш, "Сурхон капитал қурилиш-МКО" масъулияти чекланган жамиятида колбаса тайёрлаш, "Термиз пойабзал" корхонасида оёқ кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун лойиҳали инвестициялар кенг жалб қилинаяпти. Натижада шаҳарда ҳозиргача 4541 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу каби кўпдан-кўп яратувчанлик ишлар ортида қадоқ қўлли термизликлар меҳнати тургани кўз ўнгингизга келганда меҳнат Ватанга бойлик, элга ризқу — насиба, кишига қадр-қиммат ҳамда шуҳрат олиб келишини яна бир бор дилингизга жойлайсиз, албатта.

Мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда бутун мамлакатимиз аҳли каби тўрақўрғонликлар (Наманган вилояти) ҳам янги ва улкан марраларни қўлга киритдилар. Бунинг натижасида туман қиёфаси бутунлай ўзгариб, юртимиз иқтисодиёти, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

# “Ислоҳот ва янгиланишлар — умумий мақсадимиз”

## дейишмоқда тўрақўрғонликлар

Иқтисодиёт

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Adolat» мухбири.



Айниқса, сўнгги йилларда туманда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини яхшилаш борасида олиб борилган саъй-ҳаракатлар кутилган самаралар берди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ўтган — 2010 йил якунларида бор бўй-бастини кўрсатди.

Далил: саноат ишлаб чиқариш ҳажми — 22,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 7,0, капитал қуйилмалар — 0,3, қурилиш ишлари — 56,9, чакана савдо айланмаси — 45,3, пуллик хизматлар — 16,1 фоизга ўсди ва тўла иқтисодий мутаносибликка эришилди.

— Эришилган бу ютуқлар аҳамиятини тасаввур этиш учун, — дейди туман ҳокими Равшан Асқаров, — аҳолининг реал даромадлари 126,0 фоизга (аҳоли жон бошига 918.0 минг сўм) ошганини, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 117,7 фоизга, халқ истеъмол моллари тайёрлаш 111,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш 126,3 фоизга ўсганини айтиш кифоя.

Яна бир жиҳатни айтиб ўтиш жоиз. Ўтган "Баркамол авлод йили" тўрақўрғонликлар учун чинакам бунёдкорлик йили бўлди. Туманда 26 миллиард 243 миллион сўмлик пудрат ишлари амалга оширилди. Бу — биргина олдинги 2009 йилга қиёсан соҳа юмушлари 156,9 фоиз бажарилди, деганидир...

Сўнгги қиёсни мухтасаргина таҳлил қиладиган бўлсак, туманда "Баркамол авлод йили" давлат Дастури доирасида белгиланган 6 объектда 2 миллиард 360 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Аҳолининг турмуш сифати ва қишлоқлар қиёфасини тубдан яхшилаш, уларда ижтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмаларини жадал ривожлантиришга йўналтирилган узоқ муддатли чора-тадбирлар дастури қамровида Чусткўприк массивида намунали лойиҳалар андозасида 50 та замонавий уй-жойлар барпо этилгани фуқароларнинг айни кўнглидаги иш бўлди. Худди шу мақсаднинг ўзига 3 миллиард 54 миллион сўм миқдорида капитал қуйилмалар, жумладан, 1 миллиард 884 миллион сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди.

Биласиз, Тўрақўрғон — азал-азалдан ер билан тиллашиб келган миришкор пахтакор, ғаллакор, соҳибкору сабзавоткорлар юрти. Сўнгги йилларда туманда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш йўлида фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини мувофиқлаштириш юзасидан қатор ислоҳий ишлар амалга оширилди. Натижада, наинки пахта, ғалла, мева,сабзавот етиштириш, балки чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик каби тармоқларда ҳам ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Туман тасарруфидаги қайта ишлаш корхоналари ва ҳудудий ички бозорлар гўшт, сут ва сабзавот маҳсулотлари билан тўлдирилишига замин ҳам, кафолат ҳам вужудга келди.

*Исбот:* 2010 йилда бу ерда 43,8 минг тонна дон, 8,4 минг тонна картошка, 27,0 минг тонна сабзавот, 3,2 минг тонна полиз маҳсулотлари, 9,2 минг тонна мева, 5,8 тонна гўшт, 33,5 минг тонна сут, 10,1 минг тонна узум тайёрланди. Муҳими, бу кўрсаткичларнинг барчаси олдинги йилларга нисбатан ўнлаб фоизларга ўсди.

Буларгина эмас, туманда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб ном олган жорий йилнинг ўтган ойлари давомида янада кенг ҳажмли ишларга қўл урилди. Хусусан, қишлоқ хўжалигида эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш йўлида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка янада кўпроқ шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Зеро, тармоқда ўтган йиллар ичида кузатилган барча ўсишлар айни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улуши бўлди. Бугунги кунда туманда кичик бизнес субъектларининг сони 1400 тадан ошиб кетди.

Туман ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча қирраларида юз берган ижобий ўзгаришларнинг ҳаммасини қамраб олишимиз қийин. Аммо шуни ишонч билан айтишимиз мумкинки, тўрақўрғонликлар муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлисимиз палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурган Концепцияда айтилганидек, *“бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни...”* ишга соладилар.

# Сиз бундан фойдаланинг!

Юридик клиника

Феруз ЖЎРАЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси.

Агар соғлигингизда қандайдир муаммо пайдо бўлса, дарҳол шифокор кўригига ошиқасиз. Ёки ҳаётимизда ҳуқуқимиз бузилишига дуч келсак ёки бирор масалада “оғриқ сезсак” ҳуқуқий муолажадан фойдаланамиз. Юридик клиникалар эса сизнинг ҳуқуқий муаммоларингиз шифоси ҳамда ечими бўла олади.

Юридик клиникалар «таълим жараёнида назария ва амалиётни биргаликда олиб борилиши»ни кўзда тутувчи «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни татбиқ этишда юқори ўрин эгаллайди. Бу ерда юридик факультет талабалари аҳолига бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали ҳуқуқшунослик фаолиятининг амалий кўникмасини ўрганишади.

Республикамиздаги юридик клиникалар — амалий таълимнинг янгича шакли бўлиб, талабаларда профессионал малака, ҳуқуқшунослик маҳорати ва сифатини ривожлантиришга хизмат қилади. Юридик клиникаларнинг фаолиятидаги асосий мақсад — бепул юридик консультация бериш, қонунга зид бўлмаган турли масалаларни муҳокама қилиш, мижозларни ҳуқуқий ахборот билан хабардор қилиш, кам таъминланган ҳамда кекса фуқароларга ёрдам кўрсатишдир. Бу билан юридик клиникалар қонунлар тилини соддалаштириб фуқароларга уларни тушунишга ёрдам беради. Жамиятда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишда улар адолат принципига амал қилади.

Бугунги кунда республикамизда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик институти, Наманган давлат университети ва Қорақолпоғистон давлат университети қошида 5 та юридик клиника фаолият юритмоқда.

Шунингдек, "Адвокатлик маҳорати мактаби" юридик клиникаси ўз олдига — ҳуқуқни, шахсий эркинликни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ соҳаси бўйича Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар амалий билимларини ошириш мақсадини қўйган. Бунинг натижасида эса етук кадрлар етиштирилиб, ҳуқуқшуносликда янги босқичга кўтарилишга эришилмоқда.

— Талабаларда адвокатлик малакасини ривожлантириш мақсадида профессионал ҳуқуқшунос этикаси, интервью олиш жараёни, консультация ва ишда ўз нуқтаи назарини ишлаб чиқиш, мижозлар турига қараб муомала қилиш, ҳуқуқ техникаси ва далиллар, гендер масалалари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Европа ҳамда БМТ тизими ва Ўзбекистондаги низоларни ҳал қилиш суди билан ишлаш бўйича машғулотлар олиб борилади, — дейди "Адвокатлик маҳорати мактаби" юридик клиникаси раҳбари Ксения Рыжкова. — Бундан ташқари, тренинглар жадвалига юридик психология, «Илҳом» театри билан ҳамкорликда нотиқлик санъати ва актёрлик маҳорати бўйича машғулотлар киритилган. Бу каби амалий тадбирлар дунёнинг етакчи мамлакатлари тажрибасидаги ютуқ ва камчиликларни ўрганиб, қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳаётга татбиқ этишда асқотади.

Юридик клиника 2007 йил 4 мартдан бошлаб фаолияти давомида 121 нафар талаба клиникада таҳсил олишга юборилиб, 61 та талаба битирган, улардан 32 нафар клиника талабалари ўзларининг асосий мутахассисликлари бўйича ишга жойлашган. Ўз иш тажрибасига эга 5 нафар малакали битирувчи хорижда ўқимоқда.

Дарҳақиқат, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва турли жабҳаларда масаланинг ечимини топишда ёрдам бериш юридик клиникалар аҳамиятини тобора орттирмоқда. Бу каби ташкилот ва ҳаракатлар фуқаролик жамиятини изчил равишда ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади.

Фарғона туман прокуратураси Республика Бош прокуратураси, Олий суди, Олий хўжалик суди, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамда бошқа бир қатор мутасадди идораларнинг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ҳақида»ги қўшма кўрсатмаси ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар мажмуасини белгилаб олган.

# Ҳисобот тизими такомили

## ва жавобгарлик масъулияти кучаймоқда

**Тадбиркорлик — ҳуқуқий ҳимояда**

**М.ХЎЖАМҚУЛОВ,**
Фарғона туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.
**Ғулом ХИДИРОВ,**
«Адолат» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қарори бу борада прокуратура ходимларига катта дастуриламал бўлмоқда. Уларнинг ижросини бекаму-кўст бажариш учун жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириб, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар яхши самара бермоқда.

Бу борада ишлаб чиқилган комплекс амалий чора-тадбирлар дастурига кўра тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва Қонуний манфаатларини ҳимоя қилиниши тўла таъминланмоқда. Жумладан, улар фаолиятининг асоссиз чекланишларига йўл қўйилмаяпти, субъектларни тизимли ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан қонуний ҳуқуқлар бузилиши олди олинмоқда. Натижада, жорий йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан олиб борилган назорат тадбирлари давомида ноқонуний текширишлар ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига бирор-бир асоссиз аралашиш, текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд этмаслик ёки қайд этишдан бош тортиш ҳолатлари аниқланмади.

Айни шу даврда 3 та ҳолатда фуқаролар томонидан туман прокуратурасига тадбиркорлик мавзуида ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилинди. Ҳар учала ҳолатда ҳам фуқароларга тадбиркорлик билан шуғулланиш учун амалий ёрдам берилди. Масалан, фуқаро Сирожиддин Ҳамдамов халқ бадиий ҳунармандчилиги ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш асослари хусусида тушунтириш беришликни сўраган эди, туман прокуратураси унга бу йўналишда туман ҳокимлигидаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимига мурожаат қилиши кераклигини тушунтирди.

Шунингдек, фуқаролардан — Аҳад Турдиев «Сопол чинни фосфор буюмлари» ишлаб чиқариш, Акмал Ваҳобов «Боғ, полиз ва дарахтзорлар касалликларини олдини олиш бўйича хизмат кўрсатиш» каби тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун рухсат бериш ва рўйхатдан ўтказишда амалий ёрдам сўради. Уларнинг танлаган тадбиркорлик йўналишларида фаолият кўрсатишига рухсат берувчи ҳужжатларни тайёрлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш масаласида туман ҳокимлиги ТСДРЎ инспекциясига тегишли кўрсатмалар бериб, фаолиятлари қонуний тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминланди.

Яна бир эътиборли жиҳати, туман прокуратурасига ўрнатилган «007» рақамли ишонч телефонига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 нафар тадбиркордан мурожаатлар келиб тушган бўлиб, мазкур субъектларнинг ечилмаётган муаммолари бартараф этилишида амалий ёрдам берилди. Хусусан, жорий йилнинг 16 февралида Фарғона тумани,«Чимён» қишлоғи, Охунбобоев кўчаси, 40-уйда яшовчи «Фартехноинжиниринг» МЧЖ раҳбари Д.Абдураҳмонов йўлак плитаси ишлаб чиқариш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб, туман кадастр бўлимига мурожаат қилган бўлса-да, унинг мурожаати узоқ вақт ҳал этилмай келинаётганлиги юзасидан шикоят тушди. Шикоят туман прокуратураси томонидан ўрганилиб, «Фартехноинжиниринг» МЧЖга йўлак плитаси ишлаб чиқарилиши учун ер майдони танлаш ва бириктириб бериш тўғрисида туман ҳокими қарори қабул қилиниши таъминланди.

Мана бу мисол ҳам бугунги кун учун жуда-жуда эътиборли: туманда фаолият кўрсатаётган «Азгануш» фирмаси раҳбари А.Солиев туман прокуратурасининг «007» рақамига мурожаат қилиб, ўз мурожаатида «пайнет» хизмат тури билан шуғулланишлиги, бироқ доимий равишда пластик карталар орқали хизмат кўрсатиб келаётганлиги сабабли нақд пул тушуми бўлмаётганлиги, ДТ «Халқ банки» вилоят бошқармаси эса фирма нақд пул топширмаётганлигини сабаб қилиб, ҳисоб рақамини ёпиб қўйганлиги, унга фирма ҳисоб рақамини очиб беришда амалий ёрдам зарурлигини хабар қилганди. Мурожаатни ўрганиш давомида ДТ «Халқ банки» вилоят бошқарув раиси билан муаммо сабаблари ўрганилиб, фирманинг ҳисоб рақами очилишига эришилди.

Бундан ташқари, туман прокуратураси томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан мунтазам учрашувлар ташкил этилиб, уларнинг муаммолари қонун талаблари доирасида ҳал этиб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар билан 3 маротаба ана шундай учрашувлар ўтказилиб, уларда 320 нафардан зиёд тадбиркорлар иштирок этишди. Буларнинг 215 нафарини хусусий тадбиркорлар, 105 нафарини эса фермер хўжаликлари раҳбарлари ташкил қилди. Учрашувларда 12 нафар тадбиркорга мурожаатлари юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 3 нафар тадбиркорга рухсатнома бериш ва ҳужжатларни расмийлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса қилиб айтганда, туман прокуратураси тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни ҳар қачонгидан кучайтириб, амалга оширилган ишлар юзасидан белгиланган муддатларда ахборотлар тақдим этиб борилишини тўласинча таъминлаб бораяпти.

# Одам савдоси — олам муаммоси

**Долзарб мавзу**

**Зафар СОДИҚЖОНОВ,**
Тошкент давлат юридик институти тадқиқотчиси.

Одам савдоси бугунги кунда асримизнинг жиддий муаммоларининг бирга айланиб улгурди. Унга қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни тақозо қилмоқда. Жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашиш ва унинг олдини олиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қатор халқаро тавсиялари ва мажбурий характердаги ҳужжатлари қабул қилинган.

Бироқ бу борадаги халқаро ва минтақавий миқёсда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга қарамай мазкур муаммо долзарблигича қолмоқда. Негаки, дунё бўйлаб миллионлаб инсонлар “замонавий қуллик”, яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. БМТ маълумотларига кўра жаҳонда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг нафар киши одам савдоси домига тушиб қолаяпти. Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, ушбу жиноятчилик ортидан уларнинг “раҳнамо”лари олаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Биргина Европада жиноий гуруҳлар ва уларнинг бошлиқларига ушбу фаолият ҳар йили ўртача 2,5 миллиард Евро даромад келтирмоқда. Ҳозир мазкур ҳудудда одам савдосидан азият чекаётган фуқароларнинг аксарияти Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари ва Молдова, Россия фуқароларидир. Бунинг асосий сабабларидан бири — бир қатор мамлакатлар қонунчилигида халқаро доирадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар турлича талқин қилинаётганидадир. Бу эса соҳада ягона ёндашув мавжуд эмаслигидан далолат. Шунга ўхшаш муаммолар давлатлар орасида тузилаётган икки ва кўп томонлама келишувларда ҳам кўзга ташланаётир. Ҳолбуки, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш — халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ҳамда ўзаро ҳамкорликка асослангандагина яхши самара бериши мумкин.

Бу борада, “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида”ги конвенцияни тўлдирувчи “Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида”ги баённома (2000 йил) дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда. Шунингдек, 2005 йилда МДҲ доирасида одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисидаги келишув, 2006 йилда унга аъзо саккиз мамлакат доирасида Одам савдосига қарши курашнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастури, 2003 йилда ЕХҲТ доирасида одам савдосига қарши кураш бўйича ҳаракат режаси, 2005 йилда Варшавада “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Европа Кенгаши конвенцияси ҳам қабул қилинган.

Кўриниб турибдики, одам савдосига қарши кураш — бу инсон қадр-қимматининг топталишига, унинг ҳуқуқлари поймол этилишига қарши кураш демакдир. Шу боисдан мамлакатимизда бу ҳолатнинг турли кўринишига қарши кескин ва қатъий кураш изчил олиб борилаяпти. Айниқса, курашда тегишли давлат идоралари, маъмурий органлар билан бирга, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар фаоллари кенг, баҳамжиҳат, якдил иштирок этиб келаётгани диққатга сазовордир.

Масалан,“Истиқболли авлод” ёшлар ахборот-маърифат маркази одамларни ёллаш ва одам савдосига қарши курашиш, олдини олиш, уларни содир этиш сабабларини ўрганиш ва жабрланувчиларни ўз давлатларига қайтариш, шунингдек, уларни реабилитация қилиш бўйича бевосита фаолият кўрсатиб келади. Айни пайтда шуни ҳам алоҳида назарда тутиш керакки, нодавлат ташкилотлар фаолиятини давлат органларининг ушбу жиноятчиликка қарши кураш чораларидан алоҳида фарқлаш ва ажратиш лозим. Аксарият ривожланган мамлакатларда нодавлат нотижорат ташкилотлар ўз ҳукуматлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан қўллаб-қувватланган ҳолда иш олиб борадилар.

Одам савдосига қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорликни олиб боришда махсус халқаро ташкилотлар — БМТдаги махсус халқаро шохобча, Миграция бўйича Халқаро ташкилот, Халқаро Меҳнат ташкилоти каби халқаро тузилмалар асосий ўрин тутади.

Бу йўналишда, 2010 йилда “Судлар, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Шу нуқтаи назардан, фикримизча, ушбу қонун ва Ўзбекистон қўшилган халқаро ҳужжатларга кўра, суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан одам савдоси жиноятлари юзасидан далилларни тўплаш, мазкур трансмиллий жиноят қурбонларини аниқлаш ва уларга ёрдам кўрсатиш борасида ҳамкорликни кучайтиришга эътибор берилмоқда.

Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одам савдоси жиноятининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, бандликка кўмаклашиш марказлари, корхона, муассасалар жамоалари, маданият муассасалари, соғлиқни сақлаш, таълим, шунингдек, хусусий корхона ва тижорат тузилмалари янада фаолроқ қатнашиши кутилган самарага эришишда ижобий натижа бериши муқаррар.




# Осмон — узоқ, ер — қаттиқ эмас...

**Нафс балоси**

**Шокир АЛИЕВ.**

Ялиниб ёлвориш-у, талашиш-тортишишдан кутилган наф бўлмади ҳисоб. «Хизмат ҳақи» беш мингдан тўрт мингга тушди, холос. «Кўки»да, албатта. Негаки, бунақа масалада савдо, одатда, долларда бўлади, бошқачаси дамини олсин.

Йўқ, музокара машина ёки ҳовли нархи устида бормади. «Хизмати»ни нақд 4000 долларга баҳолаган шахс машҳур ҳофиз бўлсаям кошкийди: ҳамён кўтармаса узрни қуюқ қилиб, бошқасининг эшиги чертилади... Гап инсон тақдири, кейинги қисмати не кечиши хусусида кетдики, яхшиям осмон узоқ, ер қаттиқ эмас экан...

...Ҳаммаси тўрт-беш нафар фуқаронинг прокуратура органига ариза битишидан бошланди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги фуқароларни чет элга ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги Қарши минтақавий бюроси директори У.Эшқобилов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Бу — 2008 йилнинг ноябрь ойидаги воқелик. Ўша йилнинг бошларида ушбу бюрога Россия Федерациясининг Саратов ва Санкт-Петербург шаҳарларидаги «Техно Мобул» компаниясидан фуқароларни ишга чақириш бўйича таклиф келиб тушганди. Таклиф ўрганилди, шарт-шароитлар муҳокама қилиниб, ишлаш хоҳишини билдирган 42 нафар фуқаро бюро орқали Россиянинг шимолий пойтахтига юборилди. Аммо кўп ўтмай муаммо туғилдики, ишга жўнатилган айрим фуқароларга у ердаги шароит ёқмай норозилик билдиришга тушадилар. Бюро мутасаддилари иш берувчилар билан муаммога ечим топгунча ортга қайтганлар ҳам бўлди. Ва келасола ариза ёзишга тушдилар. Натижада...



Дастлабки тергов жараёнида кўп нарсаларга ойдинлик киритилди. Яъни, фуқароларни ишга юбориш жараёнида фирибгарлик ёки бошқа суиистеъмолчиликлар аниқланмади, шунингдек, аризачиларнинг гўёки пора тариқасида берган пуллари бюро хизмати, чипта ва бошқа тўловларга сарфлангани ойдинлашдики, натижада жиноят ишининг У.Эшқобиловга тегишли қисми ҳаракатдан тугатилди.

«Ишни» тугатган терговчи андек шошганми ёки муҳим ҳолатлар юзасидан барвақтроқ тўхтамга келганми, ишқилиб, 2009 йилнинг декабрь ойида У.Эшқобиловнинг «дело»си яна қўзғатилди. Бу сафар тергов ҳаракатларини олиб боришлик Қарши шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси Ш.Хуррамов чекига тушди.

Ш.Хуррамов қарийб 20 йиллик тажрибага эга прокуратура ходими. Бунақанги ишларни кўриб, сарагини-саракка, пучагини-пучакка чиқариш чўт эмас. Шундай бўлди ҳам. Ишни «ижиғ-бижиғини» чиқаргач, хулосага келдики, айбланувчининг ҳаракатларида Жиноят Кодексининг 135-(Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш), 168-(Фирибгарлик) моддаларида кўрсатилган жиноят аломатлари йўқ. Мансаб ваколатини бажаришга оид айрим жиноят аломатлари аниқлангандай бўлди-ю, бунинг ижтимоий аҳамияти юқоридаги моддаларга қараганда кам. Яъни, «дело»ни Амнистия актига асосан тугатиш мумкин. Бу — қонун талаби.

Иш шу нуқтага етганда терговчи Ш.Хуррамов ёдига охори тўкилиб кетган мақол тушди чоғи, шитоб билан кетаётган тергов ҳаракати тўхтади-қолди: шошма оқаси, текинга мушук ҳам офтобга чиқмайди, ахир?!

Шундан кейин, таъбир жоиз бўлса, терговчи ва айбланувчи ўртасида мушук-сичқон ўйини бошланди. Терговчи — «қамайман», деб қўрқитса, терговга қатнайвериб зада бўлиб кетган У.Эшқобилов ялинишга тушади: «Шафқат қилинг...»

«Шафқат»нинг баҳоси тўрт минг доллар эди!..

«Тўрт минг доллар!..»

Терговчи оғизгинасининг бир четидан чиққан бунча пул — чоғроқ оиланинг камида бир йиллик бюджетини ташкил қилади.

Бу — яп-янги «Матиз»нинг учдан икки қисми демакдир!

Бунча маблағ «контракт»да ўқийдиган талабанинг икки йиллик тўловига етиб, ҳатто ортиб қолади!..

Хуллас, таққос учун мисоллар мўл... Битта «дело»дан шунча «соққа» қилмоқчи бўлган терговчининг иштаҳаси чаккимас-а?...

У.Эшқобилов ғалати ҳолатга тушди: мол ҳам ўзи, даллол-у харидор ҳам...

Ниҳоят, пичоқ суякка етгач, Миллий хавфсизлик хизмати Қашқадарё вилоят бошқармасига мурожаат этди...

Ўтказилган тезкор тадбир натижасида Қарши шаҳар прокуратураси катта терговчиси Ш.Хуррамов ўз хизмат хонасида фуқаро У.Эшқобиловдан 4 минг АҚШ долларини пора сифатида олаётган пайтида қўлга олинди.

Чўкаётган одам хасга ёпишганидек, Ш.Хуррамов сувдан қуруқ чиқиш учун қандай важлар кўрсатмади, дейсиз?! Эмишки, У.Эшқобилов ҳар келганида «атаганим бор» деявериб унинг жонига тегиблар кетибди?! «Атаганинг қанча?», деса: «Икки минг доллар», дермиш. Шунда терговчи ўшани «тўрт қил» дебдики, бунинг замирида «ставкани» кўтарса, зора, хирапашша Эшқобиловнинг қораси ўчар, деган илинж бор экан, холос... Фантастика!.. Бундай баҳона курак тугул, тувакда турмаслиги аниқ. Хўп, Эшқобилов ростдан ҳам пора таклиф этган бўлса, бунақа «хожатбарор»нинг танобини тортиб қўйишида терговчига нима ҳалал берди? Ахир, пора бериш ҳам пора олиш сингари жиноят эканини йигирма йиллик тажрибага эга прокуратура ходими билмайдими?! Иккинчидан, терговчи томонидан У.Эшқобиловга оид жиноят иши тергов муддати тугаганига қарамай «дам солиб» ўтириши-чи?..

Алқисса, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди ҳеч қандай баҳс-мунозарага ўрин қолдирмади. Ш.Хуррамов Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноят содир этганликда айбдор деб топилиб, ўн икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ислоҳотлар ўтказиб келинмоқда. Бунинг замирида қонун устуворлигига эришиш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилишдек эзгу мақсад ётади. Ислоҳотларнинг ижобий натижаси ўлароқ, прокуратура жазоловчи муассаса эмас, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида жамиятда алоҳида ўрин эгалламоқда. Шундай экан, бировнинг кўз ёши эвазига ҳамёнини қаппайтиришни ўйлаган манфаатпарастларга тизимда ўрин бўлмаслиги керак. Шундай бўлмоқда ҳам. Зеро, бирники — мингга, мингники — туманга, дейдилар.

# Ўзбек курашида

## миллий қадриятни умумбашарий қадриятга айлантира олган халқимиз ғалаба қозонмоқда

**Ифтихор**

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
Спорт шарҳловчиси.

"...Минг-минглаб томошабинларга тўла стадион узра хорижий мамлакатларнинг байроқлари ҳилпирайди. Майдон марказидаги гиламда Ўзбекистон миллий байроғи акс этган кийимда 60-70 яшар икки нафар нуроний отахон ишқибозлар ҳайқириғи остида ўзбек курашининг бир неча усулларини намойиш этаётган бўлса, бошқа бир гиламда мактаб ёшидаги полвонлар ҳакамнинг "ёнбош", "чала", "дакки" каби кўрсатмаларига риоя қилган ҳолда кураш тушмоқдалар. Кўргазмали чиқишлардан сўнг ўзбек кураши бўйича жаҳон чемпионлиги учун беллашадиган чет эл полвонларига навбат берилади. Улар ўз ватанлари шарафини ҳимоя қилишга маҳкам бел боғлаганлар ..."



Тан олиш жоиз: йигирма йил муқаддам инсон қалбида ғурур ҳиссини уйғотадиган ана шундай учрашувлар ҳақида репортажлар тайёрлаш журналистларимизнинг хаёлларига ҳам келмаганди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимизнинг тикланиши учун қулай имкониятлар яратилди. Айнан ўзбек заминида қайта туғилган ўзбек кураши бугун дунё кезмоқда. Хўш, миллий қадриятимизнинг халқаро спорт тури сифатида эътироф этилишининг боиси нимада? Айни пайтда 117 та мамлакатни бирлаштириб турган Кураш Халқаро Ассоциацияси ўтган давр мобайнида қандай ютуқларга эришди?

Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар тахминан 4 минг йиллик тарихга эга, авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолаётган курашнинг замонавий спорт қонун-қоидаларини дунё андозаларига мос равишда яратиш билан ҳеч ким шуғулланмади. Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигидагина ўзбек кураши ўз юртида яна қайта туғилди. Ўша пайтда самбо, дзюдо ва кураш бўйича спорт устаси Комил Юсуповнинг саъй-ҳаракатлари билан кўп йиллик илмий изланишлар натижасида замонавий талабларга асосланган ҳолда ўзбек курашининг вазн тоифалари, беллашувлар вақти, махсус атамалар ва спорт кийимлари бўйича аниқ тамойиллар ишлаб чиқилди. Кўп ўтмай, аввал Қашқадарё вилоятининг Мироқи қишлоғида, ундан кейин эса мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Ат-Термизий каби буюк аждодларимиз хотирасига бағишланган халқаро хотира турнирлари ўтказилди. Юртимизда кураш орқали бобокалонларимиз руҳини шод этиш имконияти туғилди. Катта-кичик турнирларни ташкил этишдан ташқари, жаҳоннинг ўнлаб давлатларида янги, жозибали спорт тури — курашнинг муваффақиятли тақдимотлари ўтказилди. Шу тариқа курашни халқаро спорт тури даражасига кўтариш йўлидаги дастлабки қадамлар ташланди.

1998 йил кузида мамлакатимиз спорти ҳаётида тарихий воқеа рўй берди. 4-5 сентябрь кунлари пойтахтимизда Осиё, Африка, Европа ва Америка қитъаларидан ташриф буюрган юзлаб полвонлар иштирокида биринчи марта кураш бўйича дастлабки халқаро мусобақа ўтказилди. Унда 28 та мамлакат вакилларининг ташаббуси билан ўзбек курашини халқаро майдонда ривожлантирадиган Кураш Халқаро Ассоциацияси (International Kurash Association) ташкил этилди. Янги уюшманинг таъсис конгрессида IКА Низоми, бошқарув органи — Ижроқўм аъзоларининг рўйхати эълон қилинди. Маълум вақт ўтгач, ассоциация таркибида қитъа федерациялари ташкил этилди. Таъкидлаш жоиз: жуда қисқа вақт — бор-йўғи беш йилда дунёнинг барча қитъаларини бирлаштирган кураш жаҳон спорти тарихида бу борада энг яхши натижани қайд этди. Чунончи, яккакурашнинг таэквондо, ушу ёки дзюдо каби турларини дунё бўйлаб ёйишга 30-40, ҳатто 50-60 йил кетган бўлса, кураш ихлосмандлари бу мақсадга эришиш учун 4-5 баробар камроқ вақт сарфладилар.

Маълумки, спорт оламидаги энг оммавий мусобақа — Олимпия ўйинлари қаторидан ўрин олмоқчи бўлган спорт тури Халқаро Олимпия қўмитаси (ХОҚ) томонидан қўйилган бир қатор талабларга жавоб бериши лозим. Бу шартларга кўра, биринчи навбатда "даъвогар" спорт тури бўйича мунтазам равишда йирик халқаро мусобақалар ташкил этилиши керак. Курашимиз бу йўналишдаги "имтиҳон"лардан ҳам аъло даражада ўта олди. Бинобарин, кураш бўйича катталар ўртасида бўлиб ўтган биринчи жаҳон чемпионатидаёқ яна бир рекорд ўрнатилди: илк маротаба ўтказилишига қарамай, Тошкентда ташкил этилган ушбу мусобақада 48 та мамлакат полвонлари иштирок этдилар. Шу ўринда бугунга қадар етти маротаба ташкил этилган Жаҳон чемпионатининг навбатдагиси жорий йилнинг ноябрида Жанубий Африка Республикасида ўтказилишини таъкидлаш жоиз. Дарвоқе, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон ва қитъа чемпионатлари, шунингдек, аёллар ҳамда фахрийлар иштирокидаги бошқа катта-кичик халқаро турнирлар ҳам доимо IКА тақвимидан ўрин олади.

2003 йилнинг бошларида қадриятимиз Сариқ қитъа спортининг чўққисини забт этди: 24 январь куни Осиё Олимпия кенгашининг 22-ассамблеясида ушбу ташкилот томонидан кураш Осиё спорти деб эътироф этилди ҳамда қитъа ўйинлари дастуридан ўрин олишга ҳақли экани таъкидланди. Чунончи, 2006 йил декабрида Қатарда ўтказилган XV Осиё ўйинларида, 2007 йил ноябрь ойида Макаода бўлиб ўтган ёпиқ иншоотлардаги II қитаъвий ўйинларда, 2009 йили Таиландда яккакурашлар бўйича ўтказилган Осиё ўйинларида кураш мусобақлари ташкил этилди. Бундан ташқари, 2007 йилнинг июль ойида Жазоирда бўлиб ўтган Африка ёзги ўйинларида кураш бўйича кўргазмали чиқишлар ҳамда норасмий мусобақалар ташкил этилган бўлса, 2010 йилда Африка миллий олимпия ассоциацияси томонидан 2011 йил Мозамбик давлатида ўтадиган Х қитъавий ёзги ўйинларида кураш бўйича расмий мусобақаларни ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Сир эмас, бирор жойга янгилик олиб кирмоқчи бўлганлар ўз мақсадларига эришиш учун ўша ҳудуднинг фахрли ва мавқеи баланд кишиларини жалб этишга ҳаракат қиладилар. Айнан шуни ҳисобга олган Кураш Халқаро Ассоциацияси раҳбарияти жаҳон спорти, балки сиёсат майдонида обрў топган мартабали кишилар билан учрашиб, улар орқали курашни дунё бўйлаб янада ёйиш йўлларини ишлаб чиқдилар. 2002 йили эса курашни жаҳон миқёсида ривожлантиришга катта ҳисса қўшган мамлакат раҳбарлари, давлат ва сиёсат арбобларига бериладиган олий унвон — Кураш Халқаро Ассоциацияси "Олтин орден"и таъсис этилди. Биринчи "Олтин орден" ўша йили Пан-Америка Кураш конфедерацияси президенти Эдгар Кларе таклифига биноан ҳақли равишда IКА Фахрий Президенти Ислом Каримовга топширилди. Кейинчалик, ушбу юксак нишон билан Ҳиндистон Миллий конгресс партияси етакчиси Соня Ганди, ХОҚ президенти Жак Рогге, Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал Сабоҳ ал Фаҳад, Халқаро Миллий Олимпия қўмиталари уюшмаси президенти Ранья Вазкез, Европа Олимпия қўмитаси президенти Патрик Хики, Африка қитъавий Олимпия қўмитаси президенти Лоссано Поленфо каби мартабали инсонлар тақдирландилар.

Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, агар курашнинг жозибадорлиги, ҳалоллиги, мутлақо безиёнлиги бўлмаганида унинг бу даражага етишиши қийин кечарди. Мисол тариқасида консерватив яшаш тарзи билан ажралиб турувчи инглизларни олайлик. Шубҳа йўққи, уларни ҳеч ким ҳеч қачон мажбурлаб кураш билан шуғулланишга ундай олмайди. Олинган маълумотларга кўра, аксинча, фарзандларини ўз хоҳишлари билан кураш тўгаракларига олиб борган британияликлар ўғил-қизларининг ушбу спортга қизиқишларини ижобий баҳолашган. Зеро, яккакураш турларидан фақат курашдагина спортчилар рақибига зарба беришида гавданинг белдан пастки қисмини ушлаши тақиқланади. Фақат тик оёқда беллашадиган полвонлар йиқилганларида ўринларидан тургачгина курашни давом эттириш имкониятига эга бўладилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дунё бўйича деярли ҳар куни кураш бўйича бирор-бир мусобақа бўлиб ўтаётган пайтда қайси томоннинг қўли баланд келмасин, миллий қадриятини умумбашарий қадриятга айлантира олган халқимиз ғалаба қозонмоқда, десак, муболаға бўлмайди. Бинобарин, турли миллат вакиллари бўлган полвонлар гиламга ҳамиша Ўзбекистон байроғи тимсолидаги спорт кийимларида тушсалар, ҳакамлар барча беллашувларни "дакки", "ёнбош", "чала", "ҳалол" сингари ўзбек каломлари билан бошқаришаяпти. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги яна бир эътирофидир!

# Юксак эътибор намунаси

**Нуқтаи назар**

**Санжар НУРИЕВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши
академияси тингловчиси.

Мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ эски, қотиб қолган мафкуравий ақидалардан воз кечишга, маънавий янгиланишга, одамларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғояси тамойилларини сингдиришга қаратилган аниқ сиёсат олиб борилди. Бу эса жамиятда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва конфессиялар ўртасида муроса муҳитини мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.



Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида диний қадриятларнинг тикланишига катта эътибор қаратилди. Диний қадриятлар нафақат тарбиявий аҳамиятга эга, балки халқни жипслаштириш имконини берувчи омилга айланди. Қолаверса, мустақиллик йилларида ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғоясида ҳам диний қадриятларимиз, аждодларимиз қолдирган бой маънавий ва диний мерос улкан ўрин тутади.

Айниқса, Ўзбекистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ичида биринчилардан бўлиб "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиндики, у фуқароларнинг виждон эркинлигини белгилаб бериш баробарида диний ташкилотлар, конфессияларнинг ҳам эркин иш юритишига замин яратди. Қонуннинг 23-моддасида белгиланганидек, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар. Бу модда қонун олдида барча бир хил жавобгар бўлишини таъминлади.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг илк йилларида жамият маънавий ҳаётини тиклашда диний қадриятларга эътибор қаратишни замоннинг ўзи талаб этаётган эди. Зеро, диний қадриятларнинг тикланиши кишилар онгида инсонпарварлик, виждон, миллий ғурур каби туйғуларни уйғотишда муҳим роль ўйнади.

Диний қадриятларни тиклаш жараёнида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бир нечта қонун ва фармонлар қабул қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги қарори алоҳида ўрин тутади. Ушбу қарор диний таълимни ислоҳ қилиш соҳасида кенг имкониятларни очди. Ушбу қарорда Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш тўғрисидаги дастурни тасдиқлаш баробарида диний таълим самарасини кескин ошириш, ўқув жараёнини такомиллаштириш, билим юртлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг муайян йўллари аниқ кўрсатиб берилди. Қарорда, жумладан: "Ислом маъҳади ва Ислом ўрта махсус билим юртларида жорий этилган таълим стандартлари, ўқув режалари ҳамда талабаларнинг қабул қилинган давлат меъёрларига мувофиқ диний ва дунёвий билимларни эгаллаётганини инобатга олиб, мазкур ўқув юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилсин ҳамда ана шу ҳужжат (диплом)ларга эга бўлган шахсларга давлат олий таълим тизимида ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилсин", деб белгилаб берилди.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Мусулмонлари идораси қошида махсус жамғарма ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг зиммасига мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, халқимизга, айниқса, ёшларга Ислом динининг асл моҳиятини етказиб бериш, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва унинг тасарруфидаги диний ташкилотлардан олинадиган коммунал хизматлар учун тўловларнинг имтиёзли нархларда белгиланиши натижасида ҳосил бўлган фойда маблағларни жамлаб, масжид-мадрасаларда таъмирлаш ишларини олиб бориш, диний таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларга етарли шарт-шароит яратиш, мударрис ўқитувчи ва имом-хатиблар меҳнатини рағбатлантириш ишларига сарфлаш, масжид ва зиёратгоҳлардан тўпланадиган хайрия маблағлари ҳисобидан ўша маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш каби вазифалар юклатилди.

Диний қадриятларнинг тикланишида улуғ алломаларнинг ҳаёти ва маънавий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш ҳам катта аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда туғилиб ўсган, шу заминда ижод қилган ва ислом оламининг ривожига катта ҳисса қўшган алломалар таваллуд топган айёмларни кенг нишонлаш анъана тусига кирди. Таъкидлаш лозимки, бу айёмларни нишонлаш борасида мамлакат Президенти ва ҳукуматининг алоҳида Фармон ва қарорлари эълон қилинади, ушбу сана доирасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар режаси тасдиқланади. Масалан, мустақиллик йилларида кўплаб аждодларимизнинг, хусусан, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Маҳмуд аз-Замахшарий ва Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғилоний сингари йирик уламолар, мутафаккирларнинг таваллуд айёмлари кенг миқёсда нишонланди.

Юбилей доирасида аждодларимизнинг номи билан боғлиқ бўлган қадимий ёдгорлик мажмуалари обод этилди, янгилари барпо этилди. Уларнинг меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференциялар ташкил этилди ва аждодларимизнинг бой маънавий мероси кенг аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида оммалаштирилди.

Юқорида келтирилган далиллар Ўзбекистонда диний қадриятларни тиклаш ва мустаҳкамлаш масаласи ҳукуматимизнинг доимий эътиборида эканини кўрсатади. Мустақиллик йилларида юртимизда соҳага оид ўнлаб Фармон ва Қарорлар қабул қилинганлиги, уларнинг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаб қолмасдан, балки уларнинг диний билим олиш, қутлуғ масканларни бемалол зиёрат қилиши учун ҳам қатор имкониятлар яратиб берди.

Деҳқонобод Чотқол тоғ этакларида жойлашган — чегара ҳудуд. Боз устига адирликда бунёд бўлган янги қишлоқ. Маъмурий тузилишига кўра Чортоқ туманининг Алихон қишлоғи таркибига киритилган чоғроқ маҳалла. Унда яшовчи икки мингдан зиёд аҳолининг аксари миришкор деҳқон, уста боғбон. Айниқса, узумчиликнинг ҳадисини олганлар кўп. Машина минган, данғиллама уй қурган киши борки, унинг даромади боғидан: қатор экилган токзор, ўрикзор, узумзорлари ҳавасга монанд. «Доройи» узумнинг энг сархили мана шу серофтоб адирларда етиштирилади. Қия ёнбағирлардаги ўриклари оппоқ бўлиб гуллаган-да кўринг, бу ерларни: нақ жаннат кўчиб келгандек бўлади, гўё. Лалми ерларида баҳор серёғин келса, буғдой хирмони тоғ бўлади.

# Озод юртнинг обод гўшалари

**Саидолим АБДУРАҲМОНОВ,**
«Adolat» мухбири.

Айни кезда бу ерда битта мактаб ва бир боғча 386 хонадон фарзандлари камолига хизмат қилмоқда. Аммо рости гап, ҳозирга қадар бу ерда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида салгина оқсоқлик сезиларди.

Ҳудуддаги битта қишлоқ врачлик пунктининг мослашмаган биноси талабларга жавоб бермасди. Айниқса, қишқировли кунларда одамлар пастки қишлоқ марказидаги тез ёрдам шохобчасига ёки 30 чақирим нарида жойлашган марказий шифохонага мурожаат қилишлари, анча муаммо туғдирарди.

Шукрки, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, тиббиёт соҳасини ислоҳ этиш жараёнлари мазкур чекка қишлоқ ҳаётини-да четлаб ўтмади, балки замон андозаларига мос ҚВП биноси узоқ муддатда бўлса ҳам қуриб битказилди. Гап шундаки, «маблағ» отлиқ муаммо «ҳа» деганда ҳал бўлавермай, ишни орқага тортиб келарди. Бевосита туман ҳокими Алишер Бойхоновнинг аралашуви билан муаммо ўз ечимини топди.

Маҳалла ҳудудида бир пайтлар пухта тарх билан қурилган, узоқ йиллар собиқ хўжаликнинг дала ҳовлиси бўлган ва кейинги пайтларда қаровсиз қолдирилган бино қайта таъмирланди. Зарур маблағ топилишига ҳам ҳокимият бош-қош бўлди. Боз устига, савобли ишга ҳисса қўшиш истагини билдирган ҳомийлар маблағидан ҳам самарали фойдаланилди. Қарабсизки...

— Бинога яқинда кўчиб ўтдик. Бу бизга — қишлоғимиз аҳлига ўзига хос Наврўзона туҳфа бўлди, — дейди ҚВП мудири Абдухалил Каримов. — Туман Тиббиёт бирлашмаси раҳбарларига ҳам раҳмат. «Саломатлик-2 Дастури» асосида етарли жиҳозлар, замонавий тиббиёт анжомлари билан таъминлашди.

Хуллас, онда-сонда бўлсада, шифокорга иши тушиб, узоғи яқин бўлган деҳқонободликлар хурсанд. Нуроний отахон ва онахонлар дуога қўл очиб, юртимиз бўйлаб давом этаётган бунёдкорлик ишларига, озод юртимизнинг обод гўшаси ривожига бардавомлик тилашмоқда.

ASAKA BANK

# Ҳурматли юртдошлар!

# “Асака” банк (ОАЖ)

**қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади**

**Миллий валютадаги омонат**

1. **«НАВРЎЗ»**

*Сақланиш муддати — 1,5 йил*

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади

**Хорижий валютадаги омонат**

1. **«СТИМУЛ-II» Еврода**

*Сақланиш муддати — 1,5 йил*

Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**БАРЧА ЖАМҒАРМАНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

**СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:**
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 8 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 8 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 8 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 8 371 | 225-16-46 |
| Сирғали филиали | 8 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 8 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 8 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 8 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 8 374 | 229-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 8 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 8 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 8 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 8 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 8 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 8 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 8 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 8 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 8 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 8 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 8 366 | 234-17-96 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 8 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 8 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 8 361 | 223-72-47 |
| Хоразм вилоят филиали | 8 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 8 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 8 372 | 226-43-11 |

**«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.**

# “Мен Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзосиман”

**Ифтихор**

**Азамжон ШОКИРЖОНОВ,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз мураббий.

*Ўзбек халқи азал-азалдан алпқомат паҳлавонлари, кураги ерга тегмаган полвонлари билан машҳур. Улар халқнинг, миллатнинг фахри, ғурури ҳисобланади. Беш минг йиллик тарихга эга, энг қадимий спорт турларидан бири Белбоғли кураш билан республикамизда эллик мингга яқин полвонлар шуғулланиб келмоқдалар. Белбоғли кураш мамлакатимизда уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари дастуридан ўрин олган.*



Ҳозирги кунда Белбоғли кураш бўйича учта халқаро ташкилот фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон уларнинг расмий аъзоси ҳисобланади.

Белбоғли кураш дунёнинг кўплаб мамлакатларида миллий спорт тури ҳисоблангани сабабли, бугунги кунда жадал ривожланиб, оммалашиб бормоқда. Бу спорт тури бўйича Жаҳон, Осиё ва қитъа чемпионат ва биринчиликлари ўтказиб келинмоқда.

Минг шукрлар бўлсинким, юртимизда спорт соҳасига яратилган имконият, шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда Белбоғли кураш бўйича 13 маротаба Ўзбекистон чемпиони, уч карра мутлоқ чемпион, беш карра Ўрта Осиё ва Қозоғистон, 2005, 2010 йил фахрийлар ўртасида Жаҳон чемпиони, бир неча бор йирик халқаро турнирлар ғолиби бўлдим.

Бир нарсани аниқ айтишим мумкинки, бошқа соҳалар каби спортда ҳам қачонки, эркинлик, адолатлилик, бирдамлилик тамойилларига амал қилинсагина чинакам чемпионлар кўпаяди. Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг дастури билан танишиб чиққанимда биз каби спортсевар инсонлар ҳаётига бу дастур тўлиқ мос келишини англадим ва бир қатор шогирдларим билан “Адолат” СДПга аъзо бўлдик. Келгусидаги сиёсий фаоллигимизни мазкур партия орқали намоён этмоқчимиз. Инсон қадри юксак ҳисобланган мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё эканлиги бу бизга берилган имкониятдир. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясининг “Жисмоний тарбия ва спорт” кафедрасида кафедра мудири лавозимида бу спорт турининг сир-асрорларини шогирдларимга имкон даражасида ўргатиб келаяпман.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча орзу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту-саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этиш кенг йўлга қўйилди. Бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ, юртимизда юқори мақсадлар сари курашадиган спортчиларнинг янги авлоди вояга етмоқда. Бошқа спорт турларига нисбатан ўзининг инсонпарварлиги билан машҳур Белбоғли кураш турли маданият ва тамаддунларни бирлаштирувчи кўприк вазифасини ўтамоқда.

# “Қадриятларни қадрлаймиз”

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ**
(ЎзА) олган сурат.

*Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишда уларнинг қалби ва онгида миллий қадриятларимизга нисбатан чуқур ҳурмат ва садоқат туйғуларини камол топтириш катта аҳамиятга эга.*



Яқинда Наманган вилояти Косонсой туманидаги тарихий Муғтепа қалъасида давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган миллий ўйинлар фестивали ҳам баркамол авлод тарбияси йўлидаги амалий ишлардан бири бўлди.

“Қадриятларни қадрлаймиз” шиори остида ўтган фестиваль “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят маданият ва спорт ишлари, ички ишлар бошқармалари, “Маҳалла” жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда мазкур лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб чиққан жамоалар, минглаб ёшлар иштирок этди.

Жамоалар “Миллий либослар”, “Миллий қадрият ва урф-одатлар”, “Миллий таомлар”, “Жамоаларнинг логотипи ва шиори”, “Аскиячилик ҳамда фольклор жамоаларининг чиқишлари”, “Варрак учириш”, “Миллий ўйинлар”, “Чавандозлар беллашуви”, “Ёш келин-куёвлар беллашуви” каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

Фестивалда намойиш этилган миллий либослар, ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати намуналари, таомлар, рангтасвир асарлари кўргазмалари, рақс, қўшиқ, лапар, айтишув, аския, миллий урф-одатларни ўзида мужассам этган бадиий чиқишлар, арқон тортиш, елка кураши, арғимчоқда сакраш, “оқ теракми, кўк терак”, қувноқ чавандозлар ўйинлари барчада катта таассурот қолдирди.

**Суратда:** *тадбирдан лавҳа.*

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши Кенгаш раиси биринчи ўринбосари Шуҳрат Жаҳоновга волидаи муҳтарамаси

**МАТЛЮБА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ADOLAT**

ижтимоий-сиёсий газета

**Муассис:** Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир:** Худоёр МАМАТОВ

**Бош муҳаррир биринчи ўринбосари:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ *(Нашр учун масъул)*

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — ***236-57-14***; Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — ***236-54-39***;

**Телефонлар:** қабулхона — ***236-53-14***; ***233-40-86*** (факс); котибият — ***233-41-89.***

**Навбатчи муҳаррир** — Ф. ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

**Таҳририят манзили:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

**adolat_gazeta @mail.ru**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2091-5217**

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

t — Тижорат мақола белгиси.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—400. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6945. Босишга топшириш вақти — 21.45 Босишга топширилди — 22.15 1 2 3 5